

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

10-сон
(874)
2019 йил
11 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

168. «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияни (Минск, 1995 йил 26 май) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 мартдаги ЎРҚ–523-сон Қонуни
169. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳарбий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво ҳудудидан фойдаланиши тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 12 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 мартдаги ЎРҚ–524-сон Қонуни
170. «Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенциясини (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 мартдаги ЎРҚ–525-сон Қонуни

171. «Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 4 мартдаги ЎРҚ–526-сон Қонуни
172. «Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 5 мартдаги ЎРҚ–527-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

173. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги ПФ–5684-сон Фармони
174. «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПФ–5687-сон Фармони
175. «Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги ПҚ–4229-сон қарори [Кўчирма]
176. «Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 мартдаги ПҚ–4230-сон қарори [Кўчирма]
177. «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4231-сон қарори [Кўчирма]
178. «Валюта операцияларини тартибга солишнинг бозор механизмларини жорий қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4233-сон қарори [Кўчирма]
179. ««Ўзбекқўмир» акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4234-сон қарори [Кўчирма]
180. «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар

тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сон қарори

Бешинчи бўлим

181. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 20 январдаги 63, 86-сон «Ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарда сақланаётган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3141*)
182. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 26 февралдаги 19, 2019-12-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449-1*)
183. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 26 февралдаги 20, 2019-10-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2095-6*)
184. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 150-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (6-сонли БҲС) «Ижара»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3142*)
185. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 18 февралдаги 01/10-10/42-сон «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томо-*

нидан 2019 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2314-5)

186. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 26 январдаги 2/3-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-5*)
187. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 01-02/8-14-сон «Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-1*)
190. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 февралдаги 2019-05-сон «Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-8*)
191. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 февралдаги 2019-04-сон «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисида низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-6*)
192. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 21-сон «Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-4*)
193. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 22-сон «Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2086-2*)
194. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 23-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1539-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 2 мартдан 8 мартгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****168 Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенцияни (Минск, 1995 йил 26 май) ратификация қилиш ҳақида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси тўғрисидаги Конвенция (Минск, 1995 йил 26 май) қуйидаги қўшимча шарт билан ратификация қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи давлатларининг Парламентлараро Ассамблеяси фаолиятини молиялаштириш учун унда ўз вакилларини таъминлаш учун зарур бўлган ҳажмларда маблағ ажратади».

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 март,
ЎРҚ-523-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 5 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

169 Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳарбий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво ҳудудидан фойдаланиши тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2018 йил 12 октябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 18 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳарбий ҳаво кемаларининг Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳаво ҳудудидан фойдаланиши тўғрисидаги Битим (Тошкент, 2018 йил 12 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 март,
ЎРҚ-524-сон

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 5 мартда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

170 Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенцияси (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 5 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

Халқаро меҳнат ташкилотининг халқаро меҳнат нормалари қўлланилишига кўмаклашиш учун уч томонлама маслаҳатлашувлар тўғрисидаги 144-сонли Конвенцияси (Женева, 1976 йил 21 июнь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 март,
ЎРҚ-525-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

171 Ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Респуб-**

* Ушбу қонунлар «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 5 мартда эълон қилинган.

ликасининг Жинойт кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **197¹-модда** билан тўлдирилсин:

«197¹-модда. Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилса, жавобгарликдан озод этилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **229⁴-модда** билан тўлдирилсин:

«229⁴-модда. Ер бериш тартибини бузиш

Ер бериш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) такроран содир этилган бўлса;

б) суғориладиган ерларнинг қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқишига сабаб бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10,

679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар) **345-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жиноят кодексининг 97 — 103¹, 108, 116, 141 — 149, 175, 180-181¹-моддаларида, 184-моддаси учинчи қисмида, 186-моддаси иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмларида, 192¹ — 192¹¹, 197¹, 205 — 212, 215, 218 — 221, 229⁴, 230, 231-моддаларида, 232-моддаси иккинчи қисмида, 233 — 236, 241¹-242, 265-моддаларида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича, шунингдек қонунда кўрсатилган айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятларига доир ишлар бўйича дастлабки тергов прокуратура органларининг терговчилари томонидан олиб борилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **60-модда:**

диспозициясидаги «худди шунингдек ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган шахс, агар у ўзбошимчалик билан эгалланган ер участкасининг қайтарилишини таъминласа ҳамда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишнинг оқибатларини бартараф қилса, жавобгарликдан озод этилади»;

2) қуйидаги мазмундаги **60¹-модда** билан тўлдирилсин:

«60¹-модда. Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрмаслик

Суғориладиган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамокқа олишга сабаб бўлади»;

3) **68-модда:**

биринчи қисмининг санкциясидаги «учдан бир қисмидан бир бараваригача», «бир бараваридан уч бараваригача» деган сўзлар тегишинча «бир бараваридан уч бараваригача», «уч бараваридан беш бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг санкциясидаги «бир бараваридан уч бараваригача», «уч бараваридан етти бараваригача» деган сўзлар тегишинча «уч бараваридан беш бараваригача», «етти бараваридан ўн бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) қуйидаги мазмундаги **68¹-модда** билан тўлдирилсин:

«68¹-модда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органга ер участкасига бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш учун ўз вақтида мурожаат этмаслик, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **245-модданинг биринчи қисми** «60» рақамидан кейин «60¹» рақами билан тўлдирилсин;

6) **266¹-модданинг биринчи қисмидаги** «69-моддасида» деган сўзлар «68¹ ва 69-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12, 773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда) **212-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

учинчи қисмидаги «тўртинчи ва бешинчи қисмларида» деган сўзлар «тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисми чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

тўртинчи қисмидаги «шахснинг ҳам» деган сўзлар «шахснинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

бешинчи қисмидаги «юқорида кўрсатилган шахсларнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 4, 224-модда, № 7, 432-модда, № 12, 781-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги мазмундаги **49¹-модда** билан тўлдирилсин:

«49¹-модда. Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига ер участкаларини бериш

Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш ёки ижара ҳуқуқи асосида илмий-тадқиқот ва таълим мақсадлари, товар қишлоқ хўжалигини юритиш ва илғор тажрибани тарғиб қилиш учун берилади.

Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотлари ер участкаларини ижарага ёки иккиламчи ижарага бериш ҳуқуқига эга эмас.

Тажриба-ишлаб чиқариш, ўқув, ўқув-тажриба ва ўқув-ишлаб чиқариш хўжаликлари, илмий-тадқиқот ва бошқа қишлоқ хўжалик муассасалари ва ташкилотларига берилган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда иморатлар ва иншоотлар қуришга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра алоҳида ҳолларда йўл қўйилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772, 773-моддалар; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 10, 673-модда, № 12, 781, 783-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 2, 3-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 84-модда:

еттинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ер ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи органлар ер участкасига бўлган ҳуқуқи юзага келган (тугатиш) шахсларни кўрсатган ҳолда ер участкасига бўлган ҳуқуқ берилганлиги (тугатиш) тўғрисида, шунингдек ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатсиз ёки ҳужжатда кўрсатилганига нисбатан катта ҳажмдаги ер участкаларидан фойдаланиш ва ер участкасига бўлган эгалик қилиш, фойдаланиш, ижара ва мулк ҳуқуқининг рўйхатдан ўтказилмаганлиги ҳоллари ҳақида ер участ-

каси жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органларига мазкур ҳоллар аниқланган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда маълум қилиши шарт»;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ер ресурсларини ҳисобга олишни амалга оширувчи ва (ёки) баҳоловчи органлар ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчи бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига ҳар йили январь ойининг биринчи ўн кунлигида, йил давомида норматив қиймат ўзгарган тақдирда, қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати аниқланган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда электрон шаклда ахборот тақдим этади»;

саккизинчи — ўн учинчи қисмлар тегишинча **тўққизинчи — ўн тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **329-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **37-банд** билан тўлдирилсин:

«37) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича»;

3) **330-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **23-банд** билан тўлдирилсин:

«23) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, унинг жойлардаги органлари — ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ даъволар бўйича».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 4 март,
ЎРҚ-526-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

172 Хукуматни шакллантириш тартиби демократлаштирилиши ва унинг масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 26 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 100-модда, № 12/1, 343-модда; 2014 йил, № 4, 85-модда; 2017 йил, № 4, 135-модда, № 5, 201-модда, № 8, 383-модда; 2018 йил, № 10, 674-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **79-модданинг 4-банди** қуйидаги мазмундаги **4** ва **5-бандлар** билан алмаштирилсин:

«4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун кўриб чиқиш ва маъқуллаш киради»;

2) **93-модда биринчи қисмининг 11-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади»;

3) **98-модданинг ўн биринчи қисмидаги** «Бош вазир» деган сўзлар «Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 6 мартда эълон қилинган.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 818–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг:**

еттинчи қисмидаги «Бош вазир» деган сўзлар «Бош вазирнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўн биринчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг масъул қўмитаси, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимиغا номзод унинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни рад этган тақдирда, Бош вазир кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади»;

саккизинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **ўн иккинчи — ўн саккизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) **8-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати аъзолари билан бирга-ликда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади»;

учинчи — тўққизинчи қисмлари тегишинча **тўртинчи — ўнинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида**»ги 432–II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) **8-моддаси биринчи қисми 15-бандининг иккинчи хатбошиси** «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида**»ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

1) **8-модда биринчи қисми 15-бандининг иккинчи хатбошиси** «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг» деган сўзлардан кейин «Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **9-модданинг 4-банди** қуйидаги мазмундаги **4** ва **5-бандлар** билан алмаштирилсин:

«4) сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек давлатнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан Қонунчилик палатасининг қарорларини қабул қилиш;

5) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимиغا биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кейинчалик уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимларга тасдиқлаш учун кўриб чиқиш ва маъқуллаш киради».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида**»ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахбо-

ротномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **22¹-модда** билан тўлдирилсин:

«22¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзод у масъул қўмита, фракциялар ва депутатлар гуруҳлари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқилганидан кейин Қонунчилик палатасининг мажлисида кўриб чиқилади ва маъқулланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзосининг лавозимига номзод унинг номзоди Қонунчилик палатасида кўриб чиқилаётганда ва маъқулланаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳаракатлар дастури билан ўзаро боғлиқ бўлган, истиқболга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлар ва вазифаларга эришиш борасидаги ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник чора-тадбирларни назарда тутувчи ҳаракатлар режасини тақдим этади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодни рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун янги номзодни киритади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланганидан кейин ўз вазифаларини бажаришга киришади»;

2) қуйидаги мазмундаги **32²-модда** билан тўлдирилсин:

«32²-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Қонунчилик палатасининг фракциялари, депутатлар гуруҳлари, қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда Қонунчилик палатасининг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурини бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида**»ги 523–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 7, 431-модда; 2019 йил № 1, 1-модда) қуйидаги мазмундаги **31²-модда** билан тўлдирилсин:

«31²-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳукумат аъзолари билан бирга ҳар чоракда Сенатга Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Сенатнинг қўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига

Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурини бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 11 апрелда қабул қилинган «**Парламент назорати тўғрисида**»ги ўРҚ–403-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 123-модда; 2017 йил № 6, 300-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) 5-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш»;

тўртинчи — ўн бешинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — ўн олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) қуйидаги мазмундаги **8¹-модда** билан тўлдирилсин:

«8¹-модда. Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш

Бош вазир ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Фракциялар, депутатлар гуруҳлари, Олий Мажлис палаталарининг қўмиталари Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда Қонунчилик палатасининг, Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Қонунчилик палатаси, Сенат Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастурини бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Қонунчилик палатаси, Сенат қарори Вазирлар Маҳкамасига юборилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъ-
минласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти
ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ушбу Қонун 2019 йил 1 апрелдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 5 март,
ЎРҚ-527-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

173 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5495-сон, 2018 йил 30 октябрдаги «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5564-сон фармонлари ва 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3818-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, чарм ва қорақўл маҳсулотларини экспорт қилишда рухсат бериш тартиб-таомилларининг қисқартирилаётганлиги муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–1154-сон Фармони 4-банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 март,
ПФ–5684-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 6 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 6 мартдаги
ПФ–5684-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
хужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 20 апрелдаги ПФ–837-сон Фармони билан тасдиқланган Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисидаги низомнинг 10-бандида:

биринчи — учинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар тегишинча биринчи — олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 августдаги «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–1504-сон Фармони 3-банди бешинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«нақд пул тушумига эга бўлган барча хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банкларга топширадилар. Бунда, энг кам иш ҳақининг 20 бараваридан ортиқ миқдорда кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига ҳар куни инкассация хизмати орқали ёки мустақил равишда топширадилар. Кўрсатилган ҳажмдан кам бўлган кунлик ўртача нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар нақд пул тушумини банк кассаларига инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилайдиган даврларда ёки мустақил равишда топшириш ҳуқуқига эга».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрдаги «Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар тўғрисида»ги ПФ–1652-сон Фармони 1-бандида:

иккинчи хатбошидаги «600» рақами «400» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча учинчи ва тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «30» рақами «15» рақами билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июндаги «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–3090-сон Фармони 1-бандида:

биринчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1. Белгилансинки, устав жамғармасининг миқдори камида 200 млн. сўм бўлган ҳамда белгиланган бошқа шартларга жавоб берадиган корхоналар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳудудида янги барпо эти-

ладиган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар деб ҳисобланади»;

иккинчи хатбошидаги «75 минг АҚШ долларидан» сўзлари «200 млн сўмдан» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 июндаги «Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиққа тортиш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3270-сон Фармони 4-банди «инкассация қилиш» сўзларидан кейин «(банкларга топшириш)» сўзлари билан тўлдирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354-сон Фармони 6-банди бешинчи хатбошисидан «энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдоригача бўлган» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5147-сон Фармони 4-бандидаги «41» рақами «33» рақами билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-57-сон қарорида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошиси «инкассация қилиниши» сўзларидан кейин «(банкларга топширилиши)» сўзлари билан тўлдирилсин;

б) 5-бандда:

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инкассация қилишда қабул қилинган схеманинг сўзсиз бажарилиши, республика ҳудудларида инкассация қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин»;

тўртинчи хатбоши «инкассация қилинган» сўзларидан кейин «(банкларга топширилган)» сўзлари билан тўлдирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги ПҚ-147-сон қарорида:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

тижорат банкларини уларнинг филиаллари буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлари доирасида, шу жумладан, ҳисоб-китоб-касса марказларидаги захира жамғармалари ва айланма касса маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари билан чекланмаган миқдорда таъминласин;

нақд пулга бўлган талабни узлуксиз таъминлашни назарда тутган ҳолда республика ҳудудлари ўртасида нақд пулларни қайта тақсимлаш ишларини амалга оширсин»;

7-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 27 мартдаги «Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–822-сон қарорида:

а) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

мижозларнинг нақд пулга бўлган талабларини таъминлаш учун тижорат банклари кассаларида нақд пуллар етарлилиги бўйича доимий мониторинг ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бош бошқармалари орқали туманлар (шаҳарлар) ўртасида нақд пулларни қайта тақсимлаш ишларини амалга оширсин;

тижорат банкларини уларнинг филиаллари буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлари доирасида, шу жумладан, ҳисоб-китоб-касса марказларидаги захира жамғармалари ва айланма касса маблағлари ҳисобидан нақд пул маблағлари билан чекланмаган миқдорда таъминласин»;

б) 3-бандда:

биринчи хатбошидан «бир ой муддатда» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«инкассация хизмати фаолиятини такомиллаштириш;

аҳолидан коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилувчи ўз ўзига хизмат кўрсатувчи банк ускуналари (инфокиоскалар, банкоматлар) тармоғини кенгайтириш, банк хизматларига бўлган талаб ва ўзини қоплашини ҳисобга олган ҳолда махсус кассаларни ташкил этиш».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–1047-сон қарори 5-банди учинчи хатбошисидаги «ҳар қуни инкассация қилиниши шарт» сўзлари «инкассация қилинади (банкларга топширилади)» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январдаги «Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги ПҚ–1913-сон қарори 3-бандидан учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 24 декабрдаги ПҚ–2095-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг консуллик йиғимлари тарифининг рус тилидаги матни 4-моддасида:

қўйидаги мазмундаги ўн олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«— до трех лет 350 долларов США»;

ўн олтинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишинча ўн еттинчи — йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик карточкалари-

дан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2777-сон қарори 2-банди учинчи хатбошисидаги «ўз вақтида ва тўла ҳажмда инкассация қилиш» сўзлари «инкассация қилиш (банкларга топшириш)» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майдаги «Чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3693-сон қарориди:

5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали чарм хом ашёси (ностандартлари ҳам киради), момик мўйна хом ашёси, шу жумладан, қоракўл (ностандартлари ҳам киради) хом ашёсини (ТИФ ТН бўйича 4101 — 4107, 4112 00 000 0 — 4114, 4301 — 4302 кодлари) олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ярим тайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 4106 21 000 0 кодлари) олиб чиқишда экспорт қилинадиган маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Уюшма Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали чарм ва момик мўйна хом ашёсини олиб чиқишни мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин»;

6-банд иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ярим тайёр чармни (ТИФ ТН бўйича 4104, 4105, 4106 21 000 0 кодлари) олиб чиқишда ундириладиган йиғимдан тушадиган барча маблағлар».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**174 Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида***

Иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда амалга ошириш, масъул давлат органлари раҳбарларига юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш мақсадида:

1. Устувор халқаро рейтинг ва индексларни комплекс равишда кўриб чиқиш ва яхшилаш борасида ижро самарадорлигини ошириш ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан олиб борилаётган тегишли чора-тадбирларни тизимли мувофиқлаштириш лозимлигини инобатга олган ҳолда:

Устувор халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашни мувофиқлаштириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 1-иловадаги** таркибга мувофиқ тузилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасига халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари (кейинги ўринларда — молия вазири ўринбосари) лавозими киритилсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тузилмасида бошқарув ходимларининг сони қўшимча 10 та штат бирлигидан иборат Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бошқармаси (кейинги ўринларда — Бошқарма) ташкил этилсин ва юқори малакали кадрлар билан тўлдирилиши таъминлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) Комиссия халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича ишларни амалга ошириш доирасида:

ҳар ойда камида бир маротаба йиғилади;

мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун устувор йўналишларни белгилаб беради ва амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириб боради;

тегишли қарорлар қабул қилади ва уларнинг ижросини вазирлик ҳамда идоралар томонидан сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлайди, шунингдек уларнинг ойлик ҳисоботларини эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Президентига амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар ойда камида бир маротаба ҳисобот тақдим этади;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 мартда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) молия вазири ўринбосари:

халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида мутасадди вазирлик ва идораларнинг мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорлигини, уларга юклатилган вазифаларни самарали ва сифатли бажариш учун услубий ва консултив ёрдам кўрсатишни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишларида, шу жумладан, Раёсат мажлисларида, мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш борасида амалга ошириладиган ишлар аҳолини танқидий кўриб чиқиш бўйича таклифлар беради;

в) Бошқарма Комиссия ишчи органи бўлиб, мутасадди вазирлик ва идораларнинг халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш фаолиятини самарали ташкил этади ва зарур маълумотларни умумлаштиради, бу борада қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

мутасадди вазирлик ва идоралардан зарур бўлган маълумотларни сўраб олади, амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг натижадорлиги юзасидан ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлайди ва Комиссияга тақдим қилади;

халқаро рейтинг ва индексларни эълон қилувчи ташкилотлар, рейтинг агентликлари, маҳаллий ҳамда халқаро эксперт, консултант ва мутахассислар билан тўғридан-тўғри ишлайди, шу жумладан, уларни республикага таклиф қилади ва олиб бориладиган ислохотлар кўлами билан яқиндан таништиради, чет элда соҳага оид тадбирларда мутахассислар иштирокини, давра суҳбатлари, халқаро форум ва конференцияларни ташкиллаштиради боради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Халқаро рейтинглар билан ишлаш ва «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш шўъбаси билан устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш учун комплекс чора-тадбирларни белгилаш юзасидан яқиндан ҳамкорлик қилади;

тегишли таклифларни ишлаб чиқади ҳамда уларни кўриб чиқиш учун Комиссияга киритади;

г) халқаро рейтинг ва индексларнинг маълумот базаларидан фойдаланиш, зарур ахборот материалларини олиш, ушбу рейтинг ва индекслардаги Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш бўйича халқаро рейтинг агентликлари ҳамда халқаро эксперт, консултант ва мутахассисларни жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари:

тегишли халқаро рейтинг ва индекслар бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришишда шахсан масъул этиб белгилансин;

икки ҳафта муддатда жорий йилнинг 1 сентябрига қадар амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва Комиссиянинг ишчи органига тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

5. Вазирлик ва идоралар бир ой муддатда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
ПФ-5687-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

175 **Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

[Кўчирма]

Ўтган давр мобайнида республиканинг туризм салоҳиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, туристлар учун қулай шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистоннинг ташриф учун хавфсиз мамлакат сифатидаги обрўсини шакллантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрилди.

Хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича яратилган тизим туризм жойларида ҳамда туристлар томонидан республика бўйлаб ҳаракатланиш учун фаол фойдаланилаётган темир йўл ва ҳаво-транспорт инфратузилмаси объектла-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

рида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирларини ўзида бирлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5611-сон ҳамда 2019 йил 1 февралдаги «Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5647-сон фармонларига мувофиқ, шунингдек, транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида жорий этилаётган Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини (кейинги ўринларда — Концепция) Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларида татбиқ этиш ва босқичма-босқич амалга ошириш;

ички ишлар органларининг белгиланган штатлар сони доирасида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ички ишлар бошқармаларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаларини (кейинги ўринларда — бошқармалар) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Бошқармалар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

бевосита туризм намоёйиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари хизматини самарали ташкил қилиш;

ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш борасидаги фаолиятига ахборот-техник жиҳатдан қўмаклашиш, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик устидан қатъий назорат ўрнатиш;

туризм намоёйиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Тошкент метрополитенида ички ишлар бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси транспортда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўлими негизида вазирликнинг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси (кейинги ўринларда — Бош бошқарма) ташкил этилсин.

Бош бошқарманинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

метрополитен, темир йўл ва ҳаво-транспорт инфратузилмаси объектларида (кейинги ўринларда — транспорт объектлари) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш;

йўловчиларнинг ҳаракатланиш хавфсизлигини, темир йўл ва ҳаво транспортда ташиладиган товар-моддий бойликларнинг бутлиги ва кўриқланишини самарали таъминлаш;

транспорт объектларида террористик таҳдидларни, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари, ўкотар қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиактив, заҳарли, кучли таъсир қилувчи ва заҳарловчи моддаларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни ташкил қилиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг марказлашган мувофиқлаштирилган бошқарувини амалга ошириш.

3. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига (кейинги ўринларда — хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари) шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни, шу жумладан, автотранспортда ҳаракатланиш вақтида кузатиб бориш ҳамда моддий маданий мерос объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга;

транспорт объектларида, биринчи навбатда туризм йўналишидаги поездларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича функциялар транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади;

транспорт объектларида содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабар ва аризаларни ҳисобга олиш ва қайд этиш марказлашган тартибда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари томонидан амалга оширилади;

транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан боғлиқ баҳсли материалларни кўриб чиқишга доир қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича ўринбосари томонидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

туризм йўналишидаги темир йўл транспортда ҳаракатланиш давомида содир этилган, тегишлилиги бўйича ички ишлар органларига тааллуқли бўлган маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш уларда жамоат тартибини самарали таъминлаш учун кузатувчи профилактика инспекторлари лавозимларини босқичма-босқич жорий этиш орқали бевосита поездларнинг ўзида амалга оширилади;

темир йўл вокзаллари ва аэропортлар атрофида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш ва чек қўйиш ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

4. Белгилансинки:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари жойларда Концепциянинг амалга оширилиши учун масъул бўлган ишчи орган сифатида фаолият олиб боради;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ўз хизмат фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган алоҳида фарқловчи белгилар, автотранспорт воситаларида ягона светографик схемалар ҳамда эмблемадан фойдаланишлари мумкин;

бошқарма бошлиқлари бир вақтнинг ўзида тегишлича Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

бошқармаларга Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ички ишлар органларининг турдош бўлинмалари учун қонунчиликда белгиланган кадрларни танлаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади;

Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари тегишли вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмаларининг Концепцияни амалга ошириш бўйича фаолияти устидан тизимли назоратни таъминлайдилар ҳамда уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

ички ишлар органлари республикада хавфсиз туризмни таъминлаш аҳволини тизимли мониторинг қилади ҳамда туристлар оқими ва юзага келаётган тезкор вазият таҳлили асосида мазкур йўналишдаги иш самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига вақти-вақти билан таклифлар киритиб боради;

транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини кундалик тартибга солиш масалалари бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларига, хизмат ва тезкор фаолиятни ташкил этиш масалалари бўйича бевосита Бош бошқармага бўйсунди.

5. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ҳамда уни шакллантириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тушумларининг 10 фоизи;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимлари томонидан тегишлилигига кўра уларга тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича ундирилган жарима маблағлари;

мазкур қарорга мувофиқ хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг грантлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига Жамғарма маблағлари ҳисобидан:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча

штат бирликларини жорий қилиш ҳамда туризм намоёиши ва инфратузилмаси объектларининг сони ҳамда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳага фуқароларни шартнома асосида жалб қилиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимлари учун, қонунчиликда белгиланган бошқа қўшимча ҳақлардан қатъи назар, лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда рағбатлантирувчи устамалар жорий этиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилансинки, Жамғарма маблағлари фақат қуйидагилар учун сарфланади:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларининг ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш, улар томонидан илғор хорижий тажрибани, шу жумладан, хорижий мамлакатларга чиқиш орқали ўрганиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча жорий этилган ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган штат бирликларини ҳамда шартнома асосида жалб қилинган фуқароларни молиялаштириш;

хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида кўргазма ва ярмаркаларни ўтказиш, лойиҳа, дастур ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

8. 2019 йилда Ўзбекистон Республикасида хавфсиз туризмни таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли ва самарали амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги:

шартнома асосида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари ҳисобидан туристик йўналишлар бўйича темир йўл поездларида профилактика инспекторларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш;

транспорт объектларида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва ўз вақтида чек қўйиш ҳамда фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш мақсадида идоровий вертолёт техникаси имкониятларидан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилсин.

10. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари туризм объектлари ва инфратузилмаси ҳудудида жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини моддий-техник мустаҳкамлаш мақсадида уч ой муддатда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларига мамлакатимизда ишлаб чиқарилган 3 тадан енгил автомобиль, 5 тадан скутер ва 5 тадан мотоциклларни бир марталик харид қилиш ва ажратиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати билан биргаликда:

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

икки ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, Бош бошқарма тузилмасида транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг марказлашган мувофиқлаштирилган бошқарувини амалга ошириш имконини берувчи ситуацион-тахлилий марказни тузиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

транспорт объектларида, шу жумладан, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Uzbekistan airports» АЖ маблағлари ҳисобидан интеллектуал видеокузатув тизимини жорий этишни ҳамда уни «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплексига босқичма-босқич интеграция қилишни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Транспорт вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида полиция тузилмалари ва халқаро ташкилотлар вакиллари билан, шу жумладан, ишчи сафарларни ташкил этган ҳолда учрашув ва музокараларни назарда тутувчи илғор хорижий тажрибани ўрганиш дастурини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

бир ой муддатда мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

янгидан ташкил этилаётган бўлинмаларнинг тўлақонли фаолиятини таъминлаш мақсадида икки ой муддатда, фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларни жойлаштириш, жиҳозлаш, малакали мутахассислар билан тўлдириш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўрсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Белгилансинки, мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари, Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, Жамғарма, маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳамда қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президен-

ти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 март,
ПҚ-4229-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 6 мартдаги
ПҚ-4229-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сон қарорига:

а) 5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тошкент вилояти темир йўл транспортида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси, Тошкент шаҳар аэропортларида хавфсизликни таъминлаш бошқармаси, шунингдек, метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасига бўйсунди;

транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари) Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ички ишлар бошқармаларининг таркибий бўлинмалари ҳисобланади ҳамда тегишлича уларнинг бошлиқларига — фаолиятни тартибга солиш бўйича кундалик масалалар юзасидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортда хавфсизликни таъминлаш бош бошқармасига — хизмат ва тезкор фаолиятини амалга ошириш масалалари юзасидан бўйсунди»;

б) 1-иловада:

6-банднинг олтинчи хатбошидаги ва 7-банд «д» кичик бандининг биринчи хатбошидаги «қурол-яроғ, бошқа» сўзлари чиқариб ташлансин;

7-банднинг «а» кичик бандидан олтинчи ва еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги «Ички ишлар органлари кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3413-сон қарорига 1-иловада:

9-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати ва олий таълим муассасаларига, шунингдек, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига хизматга, истисно тариқасида, Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлмаган фуқаролар орасидан ҳам номзодларни танлаш ва қабул қилишга рухсат берилади»;

11-банднинг биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Дастлабки танловлардан муваффақиятли ўтган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини расмийлаштириш ички ишлар органларининг кадрлар бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Номзоднинг тегишли ҳужжатларини йиғиш жараёнида унга бир пайтнинг ўзида хизматга яроқлилиқ даражасини аниқлаш мақсадида ҳарбий-тиббий комиссиясига йўлланма берилади»;

19-банднинг иккинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёргарлик факультетида» сўзларидан кейин «ёки Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиалида» сўзлари билан тўлдирилсин;

75-банднинг биринчи хатбошидаги «киритилади» сўзи «киритилиши мумкин» сўзлари билан алмаштирилсин;

159-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низомнинг 144-банди «а» кичик бандига мувофиқ хизматдан бўшатиш ҳодимлар уларнинг ички ишлар органларидаги календарь ҳисобдаги амалий иш стажини ўн йилдан ортиқ бўлганда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий ички ишлар органлари ва соҳавий хизматлари, таълим муассасалари бошлиқларининг асослантилган тақдимномаларига асосан, шунингдек, хизматдан бўшашига ўқишга кириши сабаб бўлган ҳолларда хизматга қайта қабул қилиниши мумкин».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги «Жисмоний ва юридик шахслар мулкнинг қўриқлигини таъминлаш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4060-сон қарорида:

1-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ички ишлар органларининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг биринчи хатбошидаги «Ички ишлар вазирлиги» сўзлари «Миллий гвардия» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг иккинчи хатбоши, 4-банд, 6-банднинг иккинчи ва бешинчи ҳамда 8-банднинг олтинчи хатбошиларидаги «ички ишлар органлари» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4075-сон қарори 3-банднинг учинчи хатбошидаги «туман (шаҳар) ички ишлар органларининг бошлиқлари томонидан» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**176 Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*****[Кўчирма]**

Транспорт хизмати кўрсатишни ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, мулкчиликнинг барча шаклларидаги ташувчилар учун рақобат мухитини ҳамда қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, республиканинг транспорт-транзит салоҳиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлигининг 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

а) халқаро ташишларда фойдаланиладиган тягач (шатакчи) автомобилларга лицензия карточкалари берилиши учун давлат божи тўлаш тартибини;

б) қуйидагиларни:

олиб кириладиган ҳамда Европа Иттифоқи мамлакатларида ишлаб чиқарилган «Евро-5» ва «Евро-6» экологик синф талабларига мос келадиган янги юк ва махсус автотранспорт воситалари, шунингдек, автомобиль транспортарида юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркама ва ярим тиркамаларни;

транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлашни;

в) чек бериш ёки йўловчининг юрганлигини электрон қайд этиш имконияти мавжуд бўлиши шарти билан йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларида назорат-касса аппарати мавжуд бўлиши ҳақидаги талабларни;

г) қуйидагиларнинг:

автомобиль транспортарида юк ташиш билан шуғулланувчи якка тадбиркорларнинг;

корхона штатида белгиланган тартибда аттестациядан ўтган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва ташиш хавфсизлигини таъминлаш учун масъул бўлган мутахассиснинг алоҳида бирлиги мавжуд бўлиши шарти билан юридик шахс раҳбарининг малака талабларига мувофиқлик юзасидан аттестациядан ўтиши тўғрисидаги талабларни;

д) автомобиль транспортарида йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олишда юридик шахсларнинг балансида транспорт воситалари мавжуд бўлиши ҳақидаги талабларни бекор қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар ўртасида ижара шартномаларини тасдиқлаш учун амалдаги давлат божи миқдори икки маротаба камайтирилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар, шу жумладан, қуйидаги имкониятларни назарда тутувчи «UzTrans» ягона интерактив ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими) яратилишини таъминласин:

лицензиатларнинг шахсий кабинетини фаолият юритиши;

автомобилда халқаро ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчилар ўртасида автоматик равишда чораклар бўйича тақсимлаш;

йўловчилар ва юкларни шахар, шахар атрофи, шахарлараро, халқаро ташиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар, автомобилда халқаро ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар, шунингдек, ЮХИТ дафтарчасини қўллаган ҳолда Юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги конвенцияга (Женева шахри, 1975 йил 14 ноябрь) мувофиқ ЮХИТ (CARNET TIR) дафтарчасидан фойдаланишга рухсатномалар олишга талабгорларнинг аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш босқичини кўрсатган ҳолда қайта ишлаш;

лицензиатлар ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган автотранспорт воситаларининг ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобини юритиш.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ўн кун муддатда ахборот тизими жорий этилгунига қадар мамлакатлар бўйича халқаро автомобилда ташишга хорижий ва/ёки кўп томонлама рухсатномалар мавжудлиги тўғрисида доимий янгиланадиган ахборотнинг вазирлик веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2019 йил 1 июлдан бошлаб:

йўналишсиз такси учун талаб этиладиган тўлов терминаллари, ҳисоблагич-таксометрлар ва радиоалоқа воситалари алмаштириладиган приборларнинг функцияларини таъминлайдиган махсус иловали қурилмаларга (уяли телефонлар, планшетлар, электрон тўлов тизимлари) алмаштирилиши мумкин;

йўналишсиз такси рангини қонун ҳужжатларида талаб қилинган рангга мувофиқ ҳолга келтириш учун уларни бўямасдан ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади;

йўналишсиз таксилар сифатида фойдаланиладиган ҳамда ягона ички ва ташқи белгилар билан жиҳозланган енгил автомобиллар йўналишли транспорт воситалари учун махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда «Тўхташ тақиқланади» белгиси амал қилиш ҳудудида тўхташи мумкин;

халқаро автомобилда ташишга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун аризалар улар олинган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

а) енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияларга эга юридик шахсларни:

ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси мавжуд бўлмаганда, унинг расмийлаштирилишини таъминлаган ҳолда, уларнинг мавжудлиги;

автотранспорт воситаларидан лицензия карточкаларисиз фойдаланилаётган давлат рақами белгилари қайтарилиши чораларини кўрган ҳолда йўналишсиз таксилар учун мўлжалланган автотранспорт воситаларига махсус сериялардан берилган давлат рақами белгиларининг амалдаги лицензия карточкаларига мувофиқлиги юзасидан хатлов ўтказсин;

б) автомобиль транспортида юк ва йўловчиларни ташиш хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш бўйича таклифлар киритсин;

в) ҳимояланган телекоммуникация каналлари ёрдамида «Транспорт воситалари ҳисоби», «Техник кўрик» ва «UzTrans» ахборот тизимларининг самарали идоралараро интеграциясини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.

6. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг оғирлик ва габарит параметрларини аниқлаш учун автоматлаштирилган ўлчов воситалари билан жиҳозланган оғирлик ва габарит назорати бўйича стационар ва кўчма шохобчаларни ташкил этиш тартиби жорий этилсин.

Транспорт вазирлиги 2019 йил 1 августга қадар автомобиль йўлларида давлат-хусусий шериклик объектлари рўйхатини, регламентни ва инвесторларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида танлаб олиш механизмининг назарда тутувчи оғирлик ва габарит назорати бўйича махсус пунктларни ташкил этиш юзасидан фаолиятни амалга ошириш тартибининг тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Қўйидагилар:

Йўловчи ва юк ташишни янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ;

Транспорт-логистика соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан хорижий давлатлар билан музокаралар ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги бир ой муддатда:

Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда яқка тартибдаги тадбиркорларга рухсат бериш тартиботларини соддалаштириш ва минималлаштириш мақсадида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда енгил автомобилларда йўловчиларни ташиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш ҳақидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат буюртмачилари, шу жумладан, хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг автомобиль транспортида юк ташиш хизматлари кўрсатишни махсус электрон савдо майдончасида элек-

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

трон савдо якунлари бўйича харид қилиш ва хизмат кўрсатишини назарда тутувчи тартибни жорий этиш ҳақидаги таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа идоралар билан биргаликда хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ўтиши (алоҳида юклар ва ҳарбий контингентлардан ташқари) ва ҳудудда бўлиши тартибини, шу жумладан, республикага кираётган хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг бўлиши муддатларини оптималлаштиришни назарда тутган ҳолда янада такомиллаштириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий ташувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган икки пункт оралиғида юк ва йўловчилар ташиш амалга оширилганлиги, шунингдек, рухсат этилган оғирлик ва габарит параметрлари оширилганлиги учун таъсир чораларини қўллаш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 20 февралда Женева шаҳрида имзоланган электрон юк хатига тегишли Юкларни халқаро йўлларда ташиш (ЮХИТ) шартномаси тўғрисидаги конвенциянинг Қўшимча баённомасига қўшилиши тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда миллий транспорт-экспедиторлик ташкилотлари томонидан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ билан транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш юзасидан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш, мазкур шартномаларни тузган ташкилотлар рўйхатини ошқора эълон қилиш тартибини ўрнатсин.

9. 2022 йил 1 январгача авиация ёқилғиси, локомотивлар, темир йўл вагонлари ва бутловчилар (ТИФ ТН коди 8601 — 8607), барча типдаги юк контейнерлари (ТИФ ТН коди 8609), учиш аппаратлари (ТИФ ТН коди 8802) ҳамда ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган, юк ташиш учун мўлжалланган транспорт воситалари (ТИФ ТН коди 8701 20, 8704 23 (самосваллардан ташқари), 8716 31, 8716 39) божхона тўловларидан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно). Бунда республикага олиб кириладиган авиация ёқилғиси ўрнатилган тартибда қўшилган қиймат солиғига тортилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси

публикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Н.С. Отажонов зим-масига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 6 март,
ПҚ-4230-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

177 Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

[Кўчирма]

Сўнгги йилларда мамлакатимизда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг бизнес ғояларини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида қатор чоралар кўрилмоқда.

Худудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга, уларнинг барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлишига, миллий хунармандчилик янада ривожланишига, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббуслари амалга оширилишига, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳалари рўёбга чиқишига ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига замин яратилмоқда.

Шу билан бирга, аҳолининг меҳнат орқали даромад топишга бўлган қизиқишини кескин ошириш, айниқса, муҳтож оилаларнинг хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолиятини, шунингдек, худудларда фойдаланилмаётган биноларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни, аҳоли томорқалари ва бўш экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ лойиҳаларни имтиёзли шартларда молиялаштиришни тизимли равишда давом эттиришни тақозо этмоқда.

Республика худудларида аҳолининг даромад топишга қаратилган муайян

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 мартда эълон қилинган.

меҳнат фаолияти билан шуғулланишига, оилавий тадбиркорлик ривожланишига ҳар томонлама қўмаклашиш ва мазкур йўналишдаги ишларни тизимли ташкил этиш мақсадида:

1. Аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар ижросини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Марказий банки, тижорат банклари ва тегишли идоралар раҳбарларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарларидан иборат Республика комиссияси 1-иловага* мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари раҳбарлигида, вилоят, туман (шаҳар) иқтисодиёт ва саноат, бандлик, молия, инвестиция, солиқ, статистика бўлинмалари, ҳудудий Савдо-саноат палатаси, тижорат банклари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий бўлинмалари раҳбар ва ходимларидан иборат таркибда «Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари» (кейинги ўринларда — Марказлар);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги марказий аппарати таркибда бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида бўлинмалар;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тузилмасида Аҳоли тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш дастурларини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш бошқармаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таркибда бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган умумий сони доирасида тегишли секторлар ташкил этилсин.

2. Ижтимоий дастурларни молиялаштиришда иштирок этаётган банкларга аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш дастурларини молиялаштириш ва мониторинг юритишни ташкил этиш бўйича махсус бошқармалар ва филиалларда махсус бўлимлар очиш ҳамда бошқарма (бўлим)лар фаолиятига бевосита раҳбарликни раис ўринбосарига бириктириш тавсия этилсин.

3. Наманган вилоятида 2019 йилда «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури асосида аҳоли бандлиги ва даромадлари ошишига қўмаклашиш ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тажриба тариқасида Наманган вилояти Бандлик бош бошқармасида 14 та штат бирлигидан иборат тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг ўзини ўзи банд қилишини рағбатлантириш бўлими ташкил этилсин.

«Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида аҳолининг даромад олиш

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

борасидаги лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш, агротехника ва ветеринария хизматлари кўрсатиш, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини, шу жумладан, унинг муҳтож қатламларини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилишнинг самарали шаклларига ўргатиш, кластер тизими орқали даромадли меҳнат фаолиятига жалб этиш, лойиҳаларнинг узлуксиз ва муваффақиятли амалга оширилишига амалий ёрдам бериш бўлимнинг асосий вазифалари этиб белгилансин.

4. «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида:

назарда тутилган лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда халқаро молия институтлари кредит линиялари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

имтиёзли кредитлар оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига йиллик 8 фоиз ставкада 3 — 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга ажратилади;

халқаро молия институтлари маблағларини жалб этишга Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Ш.А. Вафаев масъул этиб белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари А.Я. Хайдаров, Иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари А.Р. Каримов, Марказий банк раисининг ўринбосари С.М. Холхўжаевлар Дастур координаторлари этиб белгилансин ҳамда уларга:

вилоятлар ва туман (шаҳар)лар Марказлари томонидан амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш;

вилоятлар ва туман (шаҳар)ларда дастур ижросини таъминлашда иштирок этадиган тижорат банкларини белгилаш;

ажратилаётган ресурсларни ҳудудларнинг салоҳияти, маблағларни ўзлаштириш даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳудудлар ва банклар кесимида тақсимлаш;

ҳақиқий эҳтиёждан ҳамда шакллантирилган лойиҳаларнинг истиқболи ва қўшимча иш ўринлари яратишга йўналтирилганлигидан келиб чиққан ҳолда ажратилаётган ресурсларни тижорат банклари ҳамда ҳудудлар кесимида тезкор қайта тақсимлаш ваколатлари берилсин.

7. Дастур координаторлари ва тижорат банкларининг раҳбарлари зиммасига:

туман (шаҳар)лар ихтисослашуви ҳамда аҳоли кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлик фаолияти ривожланиши учун маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда қўшимча чора-тадбирларни белгилаш;

қишлоқ ва маҳаллаларда аҳолининг оилавий бизнесни ривожлантириш борасидаги таклифлари ва хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб ҳамда дастурни амалга оширишдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан вилоят Марказларига кўрсатмалар бериб бориш;

Дастурда белгиланган вазифалар ижроси бўйича амалга оширилаётган

ишлар юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш вазифалари юклансин.

8. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги «Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5242-сон, 2018 йил 27 июндаги ««Yoshlar — kelajagimiz» Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5466-сон фармонлари, 2018 йил 26 апрелдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3680-сон, 2018 йил 7 июндаги ««Ҳар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сон ва 2018 йил 14 июлдаги «Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3856-сон қарорлари асосида имтиёзли кредитлар:

вилоятлар ёки туман (шаҳар)лар Марказлари томонидан оилаларнинг хоҳиш ва истаклари, тадбиркорлик субъектлари ва ёшларнинг лойиҳалари, ушбу фаолиятни амалга ошириш учун етарли шароитлари мавжудлиги чуқур ўрганилиб, ҳар бир оила ва тадбиркорлик субъектларининг таклиф этаётган лойиҳаларига кредит ажратиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида бериладиган хулосалар асосида;

товарлар (хизматлар) шартнома асосида келишилган нархда етказиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) ва лойиҳа эгаси ундан қаноатланиш ҳосил қилганидан сўнг ажратилади ва маҳсулот етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва уюшмалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда барча туман (шаҳар)ларда аҳоли ва мухтож оилаларни фойдали меҳнатга жалб этган ҳолда экспортбоп, бозор талабига тўлиқ жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнини қамраб олган кластер тизимини кенг жорий этиш бўйича аниқ чораларни кўрсин.

Бунда:

маҳсулотларни етиштириш ва қайта ишлаш жараёнида аҳолининг, биринчи навбатда, мухтож оилаларнинг иштирокини ва моддий манфаатдорлигини ошириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида улардан маҳаллий шароитларда кенг фойдаланиш, кластер тизимини жорий қилишда хорижий мутахассисларни ва мазкур соҳада юқори кўрсаткичларга эришган етакчи тадбиркорларни жалб қилиш;

серҳосил мева-сабзавот экинларини экиш, насли чорва молларини етиштириш, тайёр маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш жараёнига замонавий инновацион, ресурс тежайдиган технологияларни жорий қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратсин.

10. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ёшлар иттифоқи ва Марказлар билан биргаликда:

тадбиркорлик соҳасида муайян тажриба ва ютуқларга эришган тадбиркорни уларнинг соҳа ва имкониятларини ўрганган ҳолда тажриба орттириш, кўникма шакллантириш мақсадида «Устоз-шогирд» анъанаси асосида маслаҳатларни бериш бўйича имтиёзли кредитлар олаётган ташаббускор, айниқса, ёш тадбиркорларга бириктириш;

аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бизнес гоя ва стартапларини амалиётга татбиқ этишга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида илғор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда «бизнес инкубаторлар»ни ташкил этиш чораларини кўрсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва Марказларга:

ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, «бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида ҳар бир маҳаллани аниқ бир йўналишга ихтисослаштириш, имтиёзли кредитларни мавжуд шароит ва оилаларнинг хоҳиш-истаклари инобатга олинган ҳолда ажратилишига эътибор қаратиш;

қишлоқ ва маҳаллаларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига бўш турган ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида 2 йил муддатда ушбу ер майдонларини ҳақиқий даромад манбаига айлантириш шарти билан доимий ёки узоқ муддатга ижарага бериш;

шаҳар ва туманлар марказларида фойдаланилмасдан турган биноларни тадбиркорлик субъектларига уларда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш шарти асосида доимий ёки узоқ муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан бериш вазифалари юклатилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3182-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган сектор раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ўзлари раҳбарлик қилаётган худудларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг мақсадли ишлатилиши таъминланишида ва кредитларнинг белгиланган муддатда қайтарилишига масъул эканлиги белгилаб қўйилсин ҳамда бу борада тижорат банкларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва лойиҳада иштирок этаётган тижорат банкларига, хонадонларга ташриф буюрган ҳолда имтиёзли кредитлардан фойдаланиш самараси, натижадорлиги ва белгиланган муддатларда қайтарилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш вазифаси юклатилсин.

Назорат ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда кредитлаш шартлари бажарилмаган ҳолатларда тегишли чоралар кўрилиши учун масъул этиб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси ўринбосари О.А. Бутаев белгилансин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Кўчқоров, Ўзбекис-

тон Республикаси Марказий банки раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
ПҚ-4231-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

178 **Валюта операцияларини тартибга солишнинг бозор**
механизмларини жорий қилишга оид қўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида*

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-350-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси М.Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
ПҚ-4233-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 7 мартдаги
ПҚ-4233-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил
16 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва
тараққиёт жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-
тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-350-сон қарорига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-бандда:

а) учинчи хатбошидаги «ваколатли банкларни» сўзлари «тижорат банкларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамғарма ҳисобварағига тушган миллий валютадаги маблағлар улар тушган санадаги Ўзбекистон республика валюта биржасининг савдо сессияларида ўрнатилган жорий курс бўйича чет эл валютасига конвертация қилинади ва Жамғарманинг валюта ҳисобварағига ўтказилади».

2. 2-иловада:

а) 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «ваколатли банкларнинг» сўзлари «тижорат банкларнинг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 20-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Жамғарма ҳисобварағига тушган миллий валютадаги маблағларни улар тушган санадаги Ўзбекистон республика валюта биржасининг савдо сессияларида ўрнатилган жорий курс бўйича чет эл валютасига конвертация қилади ва Жамғарманинг валюта ҳисобварағига ўтказилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**179 «Ўзбеккўмир» акциядорлик жамиятини бошқариш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида*****[Кўчирма]**

«Ўзбеккўмир» АЖ фаолияти самарадорлигининг таҳлили шуни кўрсатдики, сўнгги бир неча йилларда кон юзасини очиш ишларини бажаришда қолоқликка йўл қўйилгани, кўмир қазиб олиш самарадорлиги даражаси замонавий талабларга мувофиқ эмаслиги республикада кўмир маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бораётган ҳажмлари қондирилмаётганлигига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбеккўмир» АЖ бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этилишини ҳамда кўмир саноатини келгусида барқарор ва мувозанатли ривожлантиришга йўналтирилган долзарб вазифаларни амалга оширишга қаратилган ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, шунингдек, 2019 — 2023 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг кўмир маҳсулотларига ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида белгиланган тартибда ташкил этиладиган «ПрогрессГорТех» МЧЖ (Россия Федерацияси) шўъба хўжалик жамияти (кейинги ўринларда — ишончли бошқарувчи) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Ўзбеккўмир» АЖ устав капиталидаги 45 фоиз акциялари пакетининг ишончли бошқарувчиси сифатида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда тузиладиган ишончли бошқарув шартномаси асосида жалб этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва ишончли бошқарувчи ўртасидаги ишончли бошқарув шартномасини ишлаб чиқиш ва тузишда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга амалий ёрдам кўрсатсин.

2. Белгилансинки, ишончли бошқарувчи хизматлари учун тўловлар ишончли бошқарув шартномасида белгиланади ва:

тасдиқланган маъмурий ва бошқа харажатларни қоплайдиган миқдорда ҳар ойлик тўловлар;

амалга оширилган харажатларга нисбатан минимал рентабеллик нормасини қўллаш тарзида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ишончли бошқарувчига инвестиция активларини ишончли бошқарувчиси лицензияси берилишини таъминласин.

4. Қўйидагилар:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 мартда эълон қилинган.

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг:

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг маблағлари ҳисобига «Ўзбеккўмир» АЖ молиявий ва ишлаб чиқариш аудитини ўтказиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида халқаро аудиторлик ташкилотини жалб этиш;

«Ўзбеккўмир» АЖнинг «Ангрен» разрезада технологик аудитни ўтказиш учун «ПрогрессГорТех» МЧЖни (Россия Федерацияси) жалб этиш;

б) «Ўзбекистон темир йўллари» ва «Ўзбеккўмир» АЖларнинг «Ангрен» разрезада истиқболда фойдаланиш имконияти бўлмаганлиги муносабати билан ротор мажмуасини демонтаж қилиш, кўчириш ва кейинчалик консервация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Ишончли бошқарув доирасида «Ўзбеккўмир» АЖ фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича «Йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. «Ўзбеккўмир» АЖга, истисно тариқасида, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг «Ўзбеккўмир» АЖ устав капиталидаги акциялари ишончли бошқарувга топширилишига қадар, «ПрогрессГорТех» МЧЖ (Россия Федерацияси) билан келишган ҳолда, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУК экспертизасидан ўтказилган, чекланган нархи белгиланган техник топшириқларга асосан 2-иловага* мувофиқ кон-транспорт ва ёрдамчи техника, технологик ускуналарни тендер (танлов) савдолари ўтказмасдан, энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилсин.

7. «Ўзбеккўмир» АЖ бошқарув органларига «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда ишончли бошқарувчи билан биргаликда аудитор хулосаси олингандан сўнг икки ҳафта муддатда ишончли бошқарувчи томонидан тақдим этилган «Ўзбеккўмир» АЖни «Ангрен» кўмир разреза кесимида ривожлантириш стратегиясини (кейинги ўринларда — Стратегия) тасдиқлаш ҳамда «Ўзбеккўмир» АЖнинг 2019 йилга мўлжалланган ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти режасини ушбу Стратегияга мувофиқлаштириш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзбеккўмир» АЖ билан биргаликда Стратегия тасдиқлангандан сўнг бир ой муддатда Стратегияда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Қуйидаги таклифлар маъқуллансин:

б) «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ўз маблағлари ҳисобига «Чинниобод» шаҳарчасида ер участкалари олиниши муносабати билан бузиладиган уйлар, бинолар, иншоотлар, экин майдонларининг бозор қиймати ва мулкдорларга етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш тўғрисидаги;

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

в) «Ўзбекистон темир йўллари» ва «Ўзбеккўмир» АЖларнинг «Ўзбеккўмир» АЖ учун мазкур қарорнинг 2-иловасида назарда тутилган кон-транспорт ва ёрдамчи техника, технологик ускуналарни жамиятнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган молиялаштириш манбалари ҳисобидан харид қилиш тўғрисидаги;

10. Ишончли бошқарув ва Стратегияни амалга ошириш доирасида, истисно тариқасида 2024 йил 1 январга қадар:

а) «Ўзбеккўмир» АЖ ва ишончли бошқарувчи томонидан жалб этиладиган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган лойиҳа ва пудрат ташкилотлари — юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини тўлашдан;

б) ишончли бошқарувчи, «Ўзбеккўмир» АЖ ҳамда улар томонидан жалб этиладиган Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмаган лойиҳа ва пудрат ташкилотлари:

кўрсатилadиган хизматлар, олиб кириладиган товарлар, ускуналар, машина ва механизмлар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, материаллар ва технологик жиҳозларни Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида лицензиялаш ва сертификатлаш билан боғлиқ тўловлар, йиғимлар ва давлат божларини тўлашдан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб кириладиган лойиҳа ва техник ҳужжатлар, металл прокати, қурилиш ва ёрдамчи материаллар, асбоблар ва уларнинг қисмлари, бутловчи буюм ва қисмлар, кимёвий реактивлар ва лаборатория мебеллари учун божхона божларини тўлашдан;

в) «Ўзбеккўмир» АЖ:

мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ олиб кириладиган кон-транспорт ва ёрдамчи техника, технологик ускуналар ҳамда Стратегияда қўшимча равишда белгиланadиган ускуна, техника, лаборатория ускуна ва жиҳозлари, уларнинг эҳтиёт қисмлари учун божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар) бўйича қўшимча қиймат солиғини тўлашдан;

г) жисмоний шахслар — хорижий мутахассислар — жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини тўлашдан озод қилинсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ кўмирнинг нархлари: операцион сарфлар, капитал харажатлар ва 10 фоиздан кам бўлмаган рентабеллик даражаси асосида шакллантирилади;

ёқилғи-энергетика ресурслари нархлари қайта кўриб чиқилиши билан уйғун равишда қайта кўриб чиқилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги 2019 йил 1 июнга қадар республикада тоғ-кон иши, шу жумладан, кўмир саноати соҳасидаги етакчи хорижий олий таълим муассасалари ва лойиҳа институтларининг филиалларини очиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
ПҚ-4234-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

180 Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида**

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг вазифалари қайта қўриб чиқилди, туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, «Мўътабар аёл» кўкрак нишони таъсис этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Шу билан бирга, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритиш механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Жумладан, узоқ муддат бола парваришлаш билан банд бўлган аёллар-

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 мартда эълон қилинган.

ни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаган.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан:

аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилинади;

тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланади;

бола парваришлаш таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибида қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришлаш таътили берилади;

икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилади;

аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланади;

эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан копланadi.

2. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази, «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари кўмагида нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган «Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари»ни (кейинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қўйидагиларни марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилаш тавсия этилсин:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришлаш таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш; аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакл-

лантириш, бизнес ғояларини тайёрлашда консултив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишнинг турли режимларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;

зарур ҳолларда, фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш;

тадбиркор аёлларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

норасмий фаолият юритаётган хунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, «Хунарманд» уюшмасига аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

марказлар бизнес-инкубатор шаклида хотин-қизларнинг тадбиркорлик, хунармандчилик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

марказларни сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва асосий вазифалари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фоиздан келиб тушган маблағлар (банк маржасидан ташқари) ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади;

махсус ўқитиш дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли туман (шаҳар) Хотин-қизлар қўмитаси раиси тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 6 ойлик имтиёзли давр ва йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тартиблари асосида ажратилади;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тижорат банкларига ҳар йили ажратиладиган 100 миллиард сўм ресурс маблағлари имтиёзли кредит маблағларининг манбаси этиб ҳисобланади. Мазкур ресурс маблағларининг камида 50 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир ой муддатда кредит олиш учун тавсия бериш жараёнини адолатли ва шаффофлигини таъминловчи тартибни тасдиқласин.

5. Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кўмагидаги Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия 1-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

6. Қўйидагилар Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид муурожаатларини кўриб чиқиш;

касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, аҳолининг иқтисодий фаол қатлами орасида аёлларнинг улушини кўпайтириш масалалари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича умумэтироф этилган халқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган чораларни белгилаш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда кенг қамровли тарғибот ишларини ташкил этиш.

7. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ билан биргаликда икки ой муддатда:

а) қўйидагиларни назарда тутувчи «Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

гендер тенглик тушунчаси ва турлари;

ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари;

давлат бошқарувида иштирок этиш, ишга қабул қилиш ёки ёллаш, кредит олиш ва тадбиркорлик билан шуғулланишда гендер тенгликни таъминлашга оид нормалар;

гендер тенглик бузилишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай бузилишга олиб келадиган қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

б) қўйидагиларни назарда тутувчи «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

маиший, иш жойидаги ва таълим муассасаларидаги тазйиқ ва зўравонликлар турлари;

ваколатли органларнинг вазифалари ва функциялари;

тазйиқ ва зўравонликларни олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик;

судгача ва суд жараёнида тазйиқ ва камситишларга дучор бўлган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолатлар.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Хотин-қизлар қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий суд, Марказий банк, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда 2-иловага* мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Статистика комиссияси томонидан тавсия этилган минимал гендер кўрсаткичлар ва бошқа маълумотларнинг «Gender.stat.uz» веб-сайтига жойлаштирилишини ва маълумотларни доимий равишда янгиланиб борилишини таъминласин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда марказларни барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларини хотин-қизларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ҳуқуқлари камситилиши ҳолатлари мавжудлиги нуктаи назардан инвентаризация қилиб, тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг давлат органлари ва ташкилотлари томонидан самарали амалга оширилишини мувофиқлаштириш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқов зиммасига Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия билан ҳамкорликда ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирлар ва лойиҳаларни молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотлари, биринчи навбатда, аёлларни қўллаб-қувватлашга ихтисослаштирилган ташкилотларнинг техник кўмак воситалари ва кредитларини жалб қилиш бўйича доимий ва тизимли равишда зарур ташкилий-амалий чоралар кўриш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

нинг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 март,
ПҚ-4235-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

181 Ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибс-хоналари ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарда сақланаётган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3141*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида» ва «Маъмурий қамокни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарда сақланаётган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кунидан эътиборан кучга киради.

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 январь,
63-сон

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 январь,
86-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар
вазирлигининг 2019 йил 20 январдаги 63,
86-сон қарорига
ИЛОВА

**Ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари
ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва
сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарда сақланаётган
шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий
ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги ва «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарда (бундан буён матнда махсус муассаса деб юритилади) сақланаётган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Махсус муассасада сақланаётган шахсларга стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган ҳолларда уларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатилади.

Махсус муассасада сақланаётган ҳомиладор аёлларга туғиш учун, шунингдек, тиббий кузатувга муҳтож бўлган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт.

2. Махсус муассасада сақланаётган шахснинг давлат соғлиқни сақлаш муассасасига бориш, келиш ҳамда у ерда бўлиш вақтида унинг қўриқланиши, хулқ-атвори назорат қилиниши ва хавфсизлиги таъминланиши ички ишлар органлари ходимлари томонидан амалга оширилади.

**2-боб. Махсус муассасада сақланаётган шахсни давлат
соғлиқни сақлаш муассасасига юбориш**

3. Махсус муассасада сақланаётган шахс махсус муассаса тиббиёт ходимларига камераларни ҳар кунги кўздан кечириш вақтида, шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса, махсус муассасанинг исталган ходимга тиббий ёрдам кўрсатилишини сўраб мурожаат қилиши мумкин. Бунда махсус муассаса тиббиёт ходими томонидан махсус муассасада сақланаётган тиббий ёрдамга муҳтож шахсга (бундан буён матнда шахс деб юритилади) зарур тиббий ёрдам кўрсатилиши шарт.

4. Шахсни махсус муассаса тиббиёт ходими томонидан тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида шахсга шошилич ёки кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур деб ҳисобланганда, махсус муассаса тиббиёт ходими шу вақтнинг ўзида тез тиббий ёрдам кўрсатилишини таъминлаши лозим. Бунда муассаса тиббиёт ходими телефон ёки бошқа алоқа воситалари орқали тез тиббий ёрдам бригадасини чакиради.

5. Махсус муассаса тиббиёт ходими шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнида кузатилган касаллик аломатлари ҳақидаги маълумотларни муассаса тиббиёт ходими томонидан юритиладиган Тиббий ёрдам кўрсатиш китобига киритади.

6. Тез тиббий ёрдам бригадаси тегишли махсус муассасага етиб келгандан кейин шахс тез тиббий ёрдам бригадаси мутахассислари томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади ва унга зарур тиббий ёрдам кўрсатилади.

Шахсга тиббий ёрдам кўрсатишда қўшимча тез тиббий ёрдам бригадаси чакирилиши мумкин.

7. Тез тиббий ёрдам бригадаси мутахассиси томонидан шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш натижасида, шахсга стационар шароитда шошилич ёки кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур деб топилганда, шахс тез тиббий ёрдам бригадаси мутахассисининг дастлабки ташхисига мувофиқ тегишли давлат соғлиқни сақлаш муассасасига олиб борилиши керак.

8. Шахсни давлат соғлиқни сақлаш муассасасига олиб бориш тез тиббий ёрдам бригадасининг ихтисослаштирилган транспорт воситасида ички ишлар органлари ходимлари ҳамда тез тиббий ёрдам бригадаси мутахассислари назорати остида амалга оширилади.

3-боб. Махсус муассасадан олиб келинган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасасида тиббий ёрдам кўрсатиш

9. Давлат соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган шахс мазкур муассасанинг қабул бўлими навбатчи шифокори томонидан тиббий кўриқдан ўтказилади.

10. Шахс навбатчи шифокор кўрсатмасига асосан тор соҳа мутахассислари томонидан тиббий кўриқдан, шунингдек, диагностика ва даволаш стандартлари асосида инструментал ва лаборатор текширувлардан ҳам ўтказилиши мумкин.

11. Навбатчи шифокор ёки тор соҳа мутахассислари (бундан буён матнда шифокор деб юритилади) шахсни тиббий кўриқдан ҳамда диагностика ва даволаш стандартлари асосида инструментал ва лаборатор текширувлардан ўтказиш натижалари асосида шахсга стационар ёки амбулатор шароитда тиббий ёрдам кўрсатилиши лозимлиги ёхуд тиббий ёрдам кўрсатилишига зарурат йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилади.

12. Шифокор шахсга стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатилиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилганда, у шахсни давлат соғлиқни сақлаш муассасасининг махсус хонасига (бундан буён матнда махсус хона деб юритилади) жойлаштириш чораларини кўради.

13. Махсус хона қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

махсус хона бинонинг қайси қаватида жойлашганлигидан қатъи назар, деразалари хонанинг ички томонидан темир панжаралар билан қопланган бўлиши;

махсус хонага кириш эшиги темир қоплама билан қопланган ёки эшикка қўшимча равишда темир панжара ўрнатилган бўлиши;

махсус хонадаги каравот, стол-стуллар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган жиҳозлар (совутгич) полга маҳкамлаб қотирилган бўлиши;

махсус хона кўзга зиён етказмайдиган ҳолда ўқиш ёки ёзиш учун етарли табиий ва сунъий ёруғликка эга бўлиши лозим.

14. Махсус хона қуйидаги жиҳозлар, буюм ва ашёлар билан жиҳозланган бўлиши керак:

бир қаватли каравот;

стол ва стул (ўриндик);

озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган жиҳозлар;

кийим-бош учун илгич;

ахлат қутиси;

сунъий шамоллатиш тизими (вентиляция);

иситиш тизими.

Махсус хонага болали аёллар жойлаштирилган ҳолларда ушбу хонага қўшимча равишда қуйидаги жиҳозлар ўрнатилади:

болалар учун пластмассали ваннача;

қўшимча иситиш ускуналари.

Махсус хонада мазкур бандда кўрсатилмаган жиҳозлар, буюм ва ашёлар жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

15. Шахсни тиббий кўриқдан, шунингдек, диагностика ва даволаш стандартлари асосида инструментал ва лаборатор текширувлардан ўтказиш ҳамда давлат соғлиқни сақлаш муассасасининг махсус хонасида тиббий ёрдам кўрсатиш ички ишлар органлари ходимлари назорати остида амалга оширилиши шарт.

16. Шахс стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатилиши учун давлат соғлиқни сақлаш муассасасига жойлаштирилганда, махсус муассасанинг масъул ходими шу куннинг ўзида бу ҳақда шахснинг қариндошларини хабардор қилиши лозим. Бунда махсус муассасанинг масъул ходими томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамокда сақлаш тўғрисида»ги ва «Маъмурий қамокни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ шахсга ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан учрашувлар берилиши таъминланиши лозим.

17. Шифокор шахсга амбулатор шароитда тиббий ёрдам кўрсатилиши лозимлиги ёки тиббий ёрдам кўрсатилишига зарурат йўқлиги тўғрисида қарор қабул қилганда, шунингдек, шахсга давлат соғлиқни сақлаш муассасасида стационар шароитда тиббий ёрдам кўрсатиш яқунланган ҳолларда шахс шифокорнинг рухсати билан ички ишлар органлари ходимларининг назорати остида ички ишлар органларининг махсус транспорт воситасида тегишли махсус муассасага қайтиб олиб борилади.

18. Шифокор шахсга амбулатор шароитда тиббий ёрдам кўрсатилиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилган ҳолларда шахсга у сақланаётган махсус муассасанинг амбулатор тиббий хизмат камераларида ёки махсус жиҳозланган тиббиёт хоналарида амбулатор шароитда тиббий ёрдам кўрсатилади.

19. Шахснинг илтимосига кўра, махсус муассасанинг масъул ходими шахснинг ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошларини шахс давлат соғлиқни сақлаш муассасасидан махсус муассасага қайтариб олиб келинганлиги ва унинг аҳволи ҳақида хабардор қилиб туриши лозим.

5-боб. Яқуний қоида

20. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚўМИТАСИНING ҚАРОРИ

182 «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449-1*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 28 февралдаги 20 ва 2013-10-сон «Ягона солиқ тўловининг

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 мартда эълон қилинган.

энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2449, 2013 йил 4 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 14-сон, 196-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
19-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
2019-12-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

183 «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва кўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2095-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 4 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
20-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
2019-10-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 26 февралдаги
20 ва 2019-10-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 22 мартдаги 22 ва 2010-13-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2095, 2010 йил 13 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 14-15-сон, 120-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 14 февралдаги 10 ва 2011-7-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг базавий миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2095-1, 2011 йил 21 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 78-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 14 июлдаги 48 ва 2014-28-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни

ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2095-2, 2014 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 30-сон, 375-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 16 февралдаги 12 ва 2015-8-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2095-3, 2015 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 88-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 9 мартдаги 13 ва 2016-11-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2095-4, 2016 йил 31 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 13-сон, 126-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 10 январдаги 1 ва 2017-01-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг муқаддимасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2095-5, 2017 йил 17 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 3-сон, 45-модда).

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI MOЛИЯ VAЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**184** Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (6-сонли БҲС) «Ижара»ни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3142

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида **бюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (6-сонли БҲС) «Ижара» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 декабрь,
150-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги
150-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(6-сонли БҲС) «Ижара»**

Мазкур Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (6-сонли БҲС) «Ижара» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон «Давлат мулкани ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармаларнинг ижара ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 мартда эълон қилинган.

актив — давлат мулки объекти бўлиб, давлат корхоналари ва бюджет ташкилотлари балансидаги мол-мулк, шунингдек, юридик шахсларнинг оммавий мулкни бошқарувчи ёхуд ваколатли давлат органи томонидан тасарруф этиш ҳуқуқисиз уларга берилган мол-мулк (давлат мулки объектларини инвестиция мажбуриятлари ва бошқа мажбуриятлар билан сотиш ҳоллари бундан мустасно);

балансда сақловчи — ижарага берилётган активни балансида ҳисобга олган бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли ва бюджетдан ташқари бошқа жамғармалар;

дастлабки тўғридан-тўғри харажатлар — ижара шартномасини тузиш ва тайёрлаш билан бевосита боғлиқ бўлган қўшимча харажатлар;

ижарага берувчи — Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги давлат мулкни ижарага бериш марказлари;

ижара муддати — ижарага олинган актив бўйича тузилган ижара шартномаси бекор қилинмайдиган давр, бу даврлар мобайнида ёки ундан кейин ижарачи ижара шартномаси муддатини келишув асосида узайтириши мумкин;

ижарачи — активларни ижарага олиш бўйича ижара шартномасини тузган юридик ёки жисмоний шахс;

ижара муддатининг бошланиши — ижарачи томонидан ижарага олинган активдан ижара шартномасида кўрсатилган фойдаланиш ва эгалик қилиш ҳуқуқининг бошланиш санаси. Бу ижарани дастлабки ҳисобга олиш санаси ҳисобланади;

ижара шартномасининг бошланиши — ижара шартномаси тузилган ёки унинг асосий шартлари бўйича мажбуриятлар қабул қилинган санадан аввалроқ бўлган давр;

ижара шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаси — ижара муддатининг бошланишида ижара объектининг жорий қиймати билан минимал ижара тўловлари ва кафолатланмаган қолдиқ қиймати суммаси йиғиндисининг дисконтланган қиймати тенг бўлишини таъминлайдиган фоиз ставкаси;

кафолатланган тугатиш қиймати:

ижарачи учун — ижарачи ёки у билан боғлиқ бўлган тараф томонидан кафолатланган тугатиш қиймати қисми (ҳар қандай ҳолатда ҳам тўланиши белгиланган максимал қийматга тенг бўлган кафолатланган сумма);

балансда сақловчи учун — молиявий жиҳатдан кафолатлар бўйича тўлаш қобилиятига эга бўлган балансда сақловчига боғлиқ бўлмаган учинчи шахс ёки ижарачи томонидан кафолатланган тугатиш қиймати қисми;

кафолатланмаган тугатиш қиймати — ижара берилётган актив қийматининг бир қисми бўлиб (ижара шартномасининг бошланишида аниқланган), унинг олиншини балансда сақловчи кафолатламайди ёки у балансда сақловчи билан боғлиқ тараф томонидангина кафолатланади;

фойдали хизмат муддати — ижара шартномаси муддати билан чекланмаган, ижара фаолияти бошланишидан кейинги муддатда балансда сақловчи томонидан активдан фойда олиши кутилаётган давр;

шартли ижара тўлови — бу ижара суммасининг қатъий белгиланма-

ган қисми бўлиб, ижара миқдори билан белгиланмаслиги ва келажакдаги муддат ўзгаришларига асосланувчи тўлов (масалан, сотишдан олинадиган фоиз, фойдаланишнинг қиймати, нархлар индекси, келажакдаги бозор баҳосининг ўзгариши);

минимал ижара тўловлари — шартли ижара тўловидан ташқари, ижара муддати давомида ижарачидан талаб қилиниши мумкин бўлган тўловлар бўлиб, балансда сақловчи томонидан тўланган хизматлар учун тўловларни балансда сақловчига қуйидагилар билан бирга қайтарилиши лозим бўлган суммалардир:

а) ижарачи учун — ижарачи ёки у билан боғлиқ бўлган томоннинг ҳар қандай кафолатланган суммалари;

б) балансда сақловчи учун — балансда сақловчи учун кафолатланган барча тугатиш қиймати, ижарачи, ижарачи билан боғлиқ бўлган томон ёки кафолатлар учун молиявий жиҳатдан жавоб бера оладиган мустақил учинчи шахслар томонидан кафолатланадиган суммалар.

2. Стандарт мақсадларига кўра ижара қуйидагиларга ажратилади:

а) молиявий ижара;

б) оператив ижара.

3. Молиявий ижара — мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгаллик қилиш ва фойдаланишга ўн икки ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатларидир.

Молиявий ижара шартномаси қуйидаги талаблардан бирига жавоб бериши керак:

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарачининг мулкига ўтса;

молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80 фоизидан ортиқ бўлса ёки молиявий ижара объектининг молиявий ижара шартномаси тугаганидан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 фоизидан кам бўлса;

молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлса;

молиявий ижара шартномасининг амал қилиш даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати молиявий ижара объектининг молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90 фоизидан ошиб кетса. Жорий дисконтланган қиймат бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

4. Оператив ижара — молиявий ижара шартномаси ҳисобланмайдиган мулкӣ ижара шартномасига биноан активни вақтинчалик эгаллик қилишга ва фойдаланишга ёки фойдаланишга бериш.

5. Ҳисоблаш методи асосида молиявий ҳисоботларни тузувчи ва тақдим қилувчи балансда сақловчилар барча ижара турлари ҳисобини юриштишда мазкур Стандартдан фойдаланади. Стандартда қуйидагилар қўлланилмайди:

табиий ресурслар, фойдали қазилмалар, жумладан нефть, табиий газ ва

шу каби қайта тикланмайдиган ресурсларни қидирув ва фойдаланиш бўйича ижара шартномалари;

кинофильм, видеоёзув, пьеса, қўлёзма, патент ва авторлик ҳуқуқлари каби объектлар бўйича лицензия келишувлар ҳисобини юритиш.

6. Ижара муддати ва ижара шартномасининг бошланиш муддати ўртасидаги даврда ижара бўйича тўлов суммаларининг ўзгариш тартиби ижара бўйича шартномада кўрсатилади. Бунда:

қурилиш қийматининг ўзгариши ёки ижарага берилган мулкнинг сотиб олиниши;

харажат ёки қиймат кўрсаткичларининг ҳар қандай ўзгаришлари, хусусан, ижарани молиялаштириш бўйича балансда сақловчининг харажатлари ёки умумий нарх даражаси кўрсатилади.

7. Ижара шартномасида келишилган шартлар бажарилган ҳолларда, ижарачи активга тасарруф этиш ҳуқуқини бериш имкониятини ўз ичига оладиган шартномалар тузилади. Кўчмас мулк объектларига нисбатан тузилган шартномалар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кўчмас мулк объектларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда тузилади.

8. Агар ижарага бериш натижасида балансда сақловчининг ишлаб чиқариш ёки молиявий кўрсаткичлари ёмонлашса ёки бюджетдан молиялаштиришнинг назарда тутилган лимитларидан ортиқ бўлса, актив ижарага берилиши мумкин эмас. Кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юқори турувчи ташкилот ёки муассис (мавжуд бўлганда) билан келишган ҳолда балансда сақловчи томонидан ҳужжатлар билан асослантирилиши керак.

2-боб. Ижаранинг таснифланиши

9. Ижара шартномасининг бошланиш санаси ҳолатида ижара молиявий ёки оператив ижара сифатида таснифланади.

10. Стандартда қабул қилинган ижаранинг таснифланиши ижарага берилаётган активдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган хатар ва фойданинг ижарачи ва балансда сақловчи ўртасида тақсимланишига асосланади.

Хатарлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

технологияларнинг эскирганлиги ёки фойдаланиш қувватининг йўқолганлиги;

иқтисодий ҳолатларнинг ўзгариши натижасида юзага келадиган актив қиймати ўзгаришлари.

11. Ижара шартномаси доирасида активга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча хатар ва фойдаларнинг ижарачида бўлиши молиявий ижара сифатида таснифланади.

Ижара доирасида активга эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган барча хатар ва фойдаларнинг ижарачида бўлмаслиги оператив ижара сифатида таснифланади.

12. Ижарага берувчи, балансда сақловчи ва ижарачи ўртасидаги ижара шартномаси аниқлаштирилган шартлар асосида тузилиши лозим.

13. Ижаранинг молиявий ёки оператив ижара деб таснифланиши шартнома шаклига эмас, балки унинг мазмунига боғлиқ бўлади.

14. Молиявий ижарада ижарага берилаётган активнинг қуйидаги ҳолатлари алоҳида ёки биргаликда қўлланилиши мумкин:

ижарачи ижарага берувчи ва балансда сақловчи билан шартномани муддатидан олдин бекор қилганда, балансда сақловчининг ушбу ижарага тегишли барча харажатларини қоплайди;

шартномада кўрсатилган ижара тўлови микдори бозор қийматидан паст бўлган қийматда ижарачи ижара шартномасини яна бир муддатга узайтиради.

15. Бошқа турдаги активлар каби бино ва ер ижараси молиявий ёки оператив ижара деб таснифланади. Ернинг фойдали хизмат муддати аниқ бўлмайди. Агар эгалик ҳуқуқи ижара муддатининг охирида ижарачига берилмаса, ижарачида хатар ва фойда бўлмайди ҳамда бу ижара оператив ижара сифатида таснифланади.

Бундай оператив ижара учун амалга оширилган тўлов ижара шартномаси учун аванс тўлови сифатида акс эттирилади ва ҳисобга олинади.

16. Бино ва ер участкаларининг ижара ҳисобини алоҳида юритиш ва таснифлаш зарур бўлган ҳолларда минимал ижара тўловларини (ҳар қандай бир марталик аванс тўловлари билан бирга) шартноманинг бошланиш санасидаги бино ва ер участкаларининг ижарага эгалик ҳуқуқи ўртасида «бино» ва «ер участкалари» элементлари бўйича ҳақиқий қийматига кўра пропорционал тақсимланади.

Бу икки элемент ўртасида ижара тўлови ишончли тақсимланмайдиган ҳолатларда ижара оператив ижара сифатида таснифланади.

17. Ижарага берилган ер участкаси ва биноси Стандартнинг 19-бандига мувофиқ «ер участкалари» ижара элементи учун дастлабки тан олинган суммаси сезиларли даражада бўлмаса, ер участкалари ва бинолар ижарани таснифлаш мақсадида бир объект сифатида кўрилиши ва Стандартнинг 14-15-бандларига мувофиқ молиявий ва оператив ижараси сифатида таснифланиши мумкин.

Бундай ҳолларда бинонинг фойдали хизмат муддати ижарага берилган активнинг фойдали хизмат муддати ҳисобланади.

3-боб. Молиявий ижара ва унинг ҳисоби

18. Стандарт активларни ижарага бериш натижасида юзага келадиган фойда ёки зарарларнинг бюджет ҳисобида акс эттирилишини белгилайди.

19. Молиявий ижарада барча хатар ва фойдалар ижарачида бўлади. Ижарачининг дебитор қарздорликлари сифатида тўланаётган пул маблағлари унинг асосий қарзини қоплаш сифатида, кўрсатилган хизматлар учун компенсация ва рағбатлантириш молиявий даромад сифатида ҳисобга олинади.

20. Ижара муддатининг бошланишида ижарачи молиявий ижара доирасида олинган активларни молиявий ҳолатлар тўғрисидаги ҳисоботда активлар сифатида ва бу активлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларни мажбуриятлар сифатида қабул қилади.

21. Балансда сақловчи молиявий ижара шартномаси шартлари асосида актив реализацияси бўйича фойда ёки зарарни ҳисобга олади.

22. Балансда сақловчи ижара муддатида олган ижара тўловларини даромад сифатида ҳисобга олади.

Балансда сақловчи даромад сифатида ҳисобга олган ижара тўловларини ижарага берилган мулкдан келиб тушадиган дебитор қарздорлиги маблағлари сифатида ҳисобга олади.

23. Ижара билан боғлиқ бўлган ўзига хос дастлабки тўғридан-тўғри харажатлар тез-тез вужудга келади, жумладан, ижара шартномасини тузиш ва музокаралар олиб бориш харажатлари.

Молиявий ижара билан боғлиқ бўлган балансда сақловчи томонидан амалга оширилган харажатлар актив қийматида кўшилади.

24. Минимал ижара тўловлари молиявий харажатлар ҳамда қопланмаган ёки тўланмаган мажбуриятларга ажратилади.

Ижара муддати давомида харажатлар ҳар бир муддат учун тақсимланганда мажбуриятларнинг қолган қисми бўйича даврий фоиз ставкаси сақланади.

Шартли ижара тўлови тўланган ҳар бир давр учун харажат сифатида ҳисобланади.

25. Ижарачининг молиявий ижарага берилаётган активни яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча куриш, қўшимча асбоб-ускуналар билан таъминлаш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қуроллантириш ва бошқалар) харажатлари молиявий ижарага олинган актив қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида акс эттирилади.

Агар молиявий ижарага берилаётган актив, балансда сақловчининг рухсати билан яхшиланган бўлса, шартноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки шартнома бекор қилинган, молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарачи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларининг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Балансда сақловчининг рухсатсиз амалга оширилган молиявий ижарага берилган активни яхшилашга сарфланган маблағлар (қўйилмалар) ва уларни молиявий ижарага берилган активга зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имконияти бўлмаса, молиявий ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, молиявий ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинган, улар балансда сақловчига текинга ўтади. Агарда уларни молиявий ижарага берилган активга зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва агар балансда сақловчи уларнинг қийматини тўлашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи уларни ажратиб олиши мумкин.

26. Молиявий ижарада ҳар бир ҳисобот даври учун молиявий ижарага берилган актив бўйича амортизация ажратмаси каби харажатлар юзага келади ва ижарачи томонидан амалга оширилади.

27. Молиявий ижарага берилган активни ҳар йили қайта баҳолаш қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарачи томонидан амалга оширилади.

28. Ижара шартномаси тугатилганда ижарачи томонидан молиявий

ижарага берилган активни қайтариш муносабати билан балансдан чиқариш ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижара тўхтатилган санадаги молиявий ижарага берилган активнинг қопланмаган қиймати суммаси бўйича амалга оширилади.

29. Балансда сақловчининг ташаббуси билан ижара шартномаси тугатилганда молиявий ижара объектини кирим қилиш ижара шартномасига мувофиқ молиявий ижарани тугатиш кунидаги қарздорлик (дебитор қарздорлик) суммаси бўйича амалга оширилади.

30. Балансда сақловчи томонидан амалга оширилган ва молиявий ижара шартномасига мувофиқ ижарачи томонидан қопланадиган молиявий ижарага берилган активни етказиб бериш ва белгиланган мақсадда фойдаланиш учун уни яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган харажатлар молиявий ижарага берилган активнинг қийматига қўшилади. Ижара шартномасига мувофиқ юқоридаги харажатлар ижарачи томонидан қопланмаганда, улар юзага келган пайтдаги тегишли ҳисобот даври харажатлари сифатида ҳисобга олинади.

4-боб. Оператив ижара ҳисоби

31. Оператив ижарада, активга эгаллик қилиш билан боғлиқ бўлган барча хатарлар ижарачида бўлмайди. Оператив ижара шартномаси бўйича олинган активлар ижарачининг балансда ҳисобга олинмайди.

32. Оператив ижара объекти ижарачи томонидан балансдан ташқари ҳисобларда — оператив ижара шартномасида кўрсатилган қийматда, балансда сақловчида — асосий воситалар таркибида баланс ҳисобларида ҳисобга олинади.

33. Балансда сақловчининг оператив ижара объектларини сақлаб туриш билан боғлиқ харажатлари ушбу харажатлар юзага келган ҳисобот даврининг жорий харажатлари сифатида тан олинади.

34. Ижарачининг оператив ижарага олинган активни яхшилаш (ободонлаштириш, қўшимча қуриш, қўшимча асбоб-ускуналар ўрнатиш, реконструкция, модернизация қилиш, техник қайта қурулантириш ва бошқалар) харажатлари оператив ижарага олинган актив қийматини кўпайтирувчи капитал қўйилмалар сифатида акс эттирилади.

Оператив ижарага олинган актив ижарага берувчи ва балансда сақловчининг рухсати билан яхшиланганда, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг ёки оператив ижара шартномаси бекор қилинганда, оператив ижара шартномасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, ижарачи ана шу мақсад йўлида сарфлаган барча харажатларнинг қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ижарага берувчи ва балансда сақловчининг рухсатсиз амалга оширилган оператив ижарага олинган активни яхшилашга сарфланган харажатлар (қўйилмалар) ва уларни оператив ижарага олинган активга зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш имкони бўлмаса, оператив ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугагач ёки шартнома бекор қилинганда, оператив ижара шарт-

номасида ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, улар балансда сақловчига текинга ўтади. Оператив ижара объектига зарар етказмаган ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлса ва балансда сақловчи уларнинг қийматини қоплашга рози бўлмаса, бундай ҳолларда ижарачи уларни ажратиб олиши мумкин.

35. Тўловлар бошқа асосда амалга оширилганда, оператив ижарада тегишли ижара тўловларининг харажатлар сифатида тан олиниши тўғри чизиқ усулида ҳисобга олинади, ижарачи томонидан фойда олишнинг қулайроқ вақтинчалик жадвалини таъминлайдиган бошқа тизимли асос ҳолати юзага келиши бундан мустасно.

36. Балансда сақловчи йил чорагида камида бир марта ўзи унинг юришида бўлган активни хатловдан ўтказишга ва фойдаланилмаётган актив аниқланган тақдирда 10 кун мобайнида ижарага берувчига актив жойлашган жойни, миқдори, таркиби ва бошқа умумий тавсифларини кўрсатган ҳолда у ҳақдаги маълумотларни тақдим этишга мажбур.

37. Балансда сақловчи ижара муддати давомида молиявий даромадни доимий равишда тақсимлаши лозим. Ижара тўловлари ижара муддати мобайнида хизматларга кетган харажатларни чегириган ҳолда, дебитор қарзнинг асосий қисмини камайтириш учун қабул қилинади.

38. Дастлабки тўғридан-тўғри харажатлар ижара муддатининг бошланиши даврида харажат сифатида ҳисобга олинади.

39. Оператив ижара бўйича олинувчи даромад ижара муддати давомида тўғри чизиқли усулда ҳисобга олинади, агар бошқа усул ижарага берилган актив бўйича фойда даромадларини ҳисобга олиш усулини фойдали тасвирласа, ўша усулдан фойдаланилади.

5-боб. Қайта ижарага олинган активнинг ҳисобини юритиш

40. Молиявий ижара орқали реализация қилинган активни қайта ижарага олиши ҳисоблаш тартиби ижара таснифига боғлиқ ҳисобланади. Агар активни қайта ижарага олиш молиявий ижарага олиб келса, реализация қилинган сумманинг баланс қийматидан ортиқ бўлган миқдори ижарачи учун даромад сифатида ҳисобга олинмайди. Бу ҳолатлар кейинги даврларга ўтказилади ва ижара муддати давомида ҳисобга олинади.

41. Қайта ижарага олиш молиявий ижара бўлса, ижарачини молиявий маблағлар билан таъминлашнинг бир усули ҳисобланиб, бунда актив таъминот сифатида ҳисобга олинади.

42. Агар активни қайта ижарага олиш операциялари оператив ижарага олиб келса, бундан келиб чиқадиган фойда ёки зарар ҳисобга олинади. Активни сотиш нархи ҳақиқий қийматдан паст бўлса, бу ҳолат дарҳол фойда ёки зарар сифатида ҳисобга олинади, бундан зарар келгусидаги ижара тўловларининг бозор нархидан паст қийматда қопланган ҳолат мустасно.

Агар активни қайта ижарага олиш оператив ижарага олиб келса, реализация қилинган сумманинг баланс қийматидан ортиқ бўлган миқдори актив фойдаланиш даври учун кейинги даврларга ўтказилиши ва ҳисобдан чиқарилиши керак.

43. Оператив ижарада қайта ижарага олинган активнинг қиймати унинг баланс қийматидан паст бўлса, бу фарқ зарар сифатида ҳисобга олинади.

Ижарачи мол-мулкни соз ҳолатда сақлайди, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаш ва мулкни сақлаш бўйича харажатларни қоплайди.

6-боб. Ахборотни очиб бериш

44. Балансда сақловчи оператив ижара бўйича қуйидаги ахборотларни очиб бериши керак:

а) муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқисиз бўлган оператив ижара бўйича келгусидаги минимал ижара тўловларини умумий ҳамда ҳар бири учун алоҳида қуйидаги даврлар учун:

бир йилгача бўлган муддатда;

бир йилдан сўнг, лекин, беш йилдан кам бўлмаган муддат;

беш йилдан кейинги муддат;

б) молиявий фаолият ҳисоботида, даромад сифатида ҳисобга олинган шартли ижара тўлов суммаси;

в) балансда сақловчи томонидан тузилган ижара шартномаларининг умумий тавсифлари.

45. Ижарачилар молиявий ижара бўйича қуйидаги ахборотларни очиб бериши керак:

ҳисобот давридаги ҳар бир активнинг тури бўйича соф баланс қиймати;

ҳисобот давридаги харажат сифатида тан олинган шартли ижара тўлови;

муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ижара шартномалари бўйича баланс кунда қабул қилинадиган ижаранинг келгусидаги минимал ижара тўловлари умумий суммаси;

молиявий ҳисоботни тузиш санасига ижарадан олиниши кутилаётган келгуси ижара тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотлар;

молиявий ижара муддати учун қопланмаган мажбурият қолдигига даврий фоиз ставкасини олиш учун балансда сақловчининг даромади (молиявий ижара бўйича фоизлар)ни тақсимлашда фойдаланиладиган усул;

ижарачи томонидан тузилган, шартли ижара тўлови бўйича кредиторлик қарздорлигининг аниқланиш асоси маълумотларни ўз ичига олувчи, бироқ бу билан чегараланмаган ижара шартномалари умумий мазмуни.

46. Ижарачи оператив ижара бўйича қуйидаги ахборотларни очиб бериши керак:

а) оператив ижара шартномаси бўйича келажакдаги минимал ижара тўлови суммасини муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқисиз қуйидаги даврларни:

бир йилгача бўлган муддат;

бир йилдан сўнг, лекин, беш йилдан кеч бўлмаган муддат;

беш йилдан кейинги муддат;

б) муддатидан олдин бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган ижара шартномалари бўйича келгусидаги минимал ижара тўловларининг умумий суммасини;

в) ижарачи томонидан тузилган, қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи, бироқ бу билан чегараланмаган ижара шартномалари умумий мазмунини: шартли ижара тўлови бўйича кредитор қарздорлик аниқланиши учун асос; шартномани янгилаш имкониятининг шартлари ҳамда мавжудлиги ёки ўзгарувчан нархлар тўғрисидаги харидлар ва эслатмалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

185 «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2314-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сон «Ер участкалари бериш ва якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилишнинг замонавий ва шаффоф механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Н. ЖЎРАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
01/10-10/42-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 5 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат активларини бошқариш агентлиги
директорининг 2019 йил 18 февралдаги
01/10-10/42-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сон «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2314, 2011 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 2-сон, 25-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 20 майдаги 366/01-10-сон «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2314-1, 2014 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 23-сон, 278-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 13 мартдаги 01/27-26/08-сон «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 51-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2314-2, 2015 йил 17 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 11-сон, 131-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2015 йил 8 июндаги 01/13-26/13-сон «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2314-3, 2015 йил 9 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 йил, 23-сон, 307-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 10 июлда-

ги 01/11-26/17-сон «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2314-4, 2017 йил 21 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 29-сон, 720-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

186 Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сон қарори (рўйхат рақами 2693, 2015 йил 6 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 27-сон, 360-модда) билан тасдиқланган Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан бир ойдан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 январь,
2/3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
26 январдаги 2/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари капиталининг монандлигига
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 24-бандда:

иккинчи хатбоши «, мазкур Низомнинг 24²-бандида кўрсатилган активлар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 1,5 баробаридан 2 баробаригача бўлган йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.».

2. 24¹-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 2 баробаридан 2,5 баробаригача бўлган йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.».

3. 24²-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24². Таваккалчилик даражаси бўйича VII гуруҳга қуйидагилар киради: енгил автомобиль сотиб олиш учун юридик шахсларга ажратилган кредитнинг гаров таъминотига енгил автомобиль қабул қилинган кредитлар, шунингдек шу мақсадларга ажратилган суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган кредитлар;

автомобиль сотиб олиш учун аҳолига ажратилган кредитнинг қолдиғи сотиб олинган автомобиль қийматининг 75 фоизидан ортиғини ташкил этган кредитлар, шунингдек, шу мақсадларга ажратилган суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган кредитлар;

аҳолига қайта молиялаш ставкасининг 2,5 баробари ва ундан юқори йиллик фоиз ставкада ажратилган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари, шунингдек, суд жараёнидаги ва (ёки) белгиланган тартибда ундирилмаган микроқарзлар ва овердрафт кредитлари.».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

187 Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-1

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПФ–5414-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 8 февралдаги 01-02/8-4-сон қарори (рўйхат рақами 2868, 2017 йил 14 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 11-сон, 176-модда) билан тасдиқланган Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 февраль,
01-02/8-14-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
8 февралдаги 01-02/8-14-сон қарорига
ИЛОВА

Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**декларацияловчи шахс** — божхона органларига БҚДни ўз номидан тақдим этаётган декларант ёки БҚДни тўлдириш, имзолаш ва божхона органларига декларант номидан тақдим этишга ваколатли божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс»;»;

тўртинчи хатбошидаги «мутахассиснинг» деган сўз «декларацияловчи шахснинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 2-бандда:

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«иккинчи нусха — декларацияловчи шахс учун»;»;

еттинчи хатбошидаги «мутахассис» деган сўз «декларацияловчи шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 8-банднинг иккинчи хатбошидаги «мутахассисни» деган сўз «декларацияловчи шахсни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 9-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. БҚД қоғоз шаклда тақдим этилганда, БҚДнинг бирор-бир графасида баён этилаётган маълумотларни кўрсатиш учун жой етарли бўлмаса, ушбу маълумотлар БҚДнинг орқа томонида ёки қўшимча илова қилинадиган, БҚДнинг ажралмас қисми бўлган варақларда кўрсатилиши мумкин. Бундай ёзув декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади, тегишли графада эса, «БҚДнинг орқа томонига қаранг» ёки «қўшимча вараққа қаранг» ёзуви қайд этилади.».

5. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Декларацияловчи шахс томонидан қўйидаги графалар тўлдирилади: 1, 2а, 2б, 3, 4, 5, 6, 7а, 7б, 8а, 8б, 9а, 9б, 10а, 10б, «Товар №», «Товар коди», 11а, 11б, 12, 13а, 13б, 14, 15, 16, 17а, 17б, 17в, 18, 19, 20, 21, 22, 23а, 23б, 24 «Қўшимча маълумотлар», «Имзо».».

6. 14-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «Мутахассис» деган сўз «Декларацияловчи шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) 3-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3) 2б-графа. «Декларацияловчи шахс».

Графада БҚД–1ни тўлдирган ва божхона органига тақдим этаётган декларацияловчи шахснинг қисқача номи кўрсатилади.»;

в) 15-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графада 2б-графада кўрсатилган шахс номидан БҚД–1ни тақдим этаётган жой ва сана, шунингдек, декларацияловчи шахс тўғрисида маълумотлар кўрсатилади (реквизитларнинг ҳар бири янги сатрдан бошланади ва ҳар бирининг олдига уларнинг тартиб рақами қўйилади):»;

учинчи хатбошидаги «мутахассиснинг» деган сўз «декларацияловчи шахснинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«БҚД–1да баён этилган маълумотларнинг тўғрилиги, электрон БҚД–1 да декларацияловчи шахснинг ЭРИси, қоғоз шаклдаги БҚД–1да декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.»

7. 15-банднинг биринчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Декларацияловчи шахс томонидан қўйидаги графалар тўлдирилади: 1, 2а, 2б, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, «Товар №», «Товар коди», 11, 12, 12а — 12д, 13, 13а, 13б, 14, 14а — 14д, 15, 16, 17, 17а, 17б, 18а, 18б, 19, 20, 21, 22, 23а, 23б, 24, «Қўшимча маълумотлар», «Имзо».»

8. 17-бандда:

биринчи хатбошидаги «Мутахассис» деган сўз «Декларацияловчи шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10-кичик банднинг иккинчи ва еттинчи хатбошиларидаги «мутахассис» деган сўз «декларацияловчи шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31) «Имзо» графаси.

Маълумотларнинг тўғрилиги декларацияловчи шахснинг ЭРИси, қоғоз шакли декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.»

9. 18-бандда:

а) биринчи хатбошидан «, муҳр» деган сўз чиқариб ташлансин;

б) 34-кичик банднинг учинчи хатбошисидаги ва 38-кичик банднинг иккинчи хатбошисидаги «мутахассис» деган сўз «декларацияловчи шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 45-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«45) «Имзо» графаси.

Маълумотларнинг тўғрилиги декларацияловчи шахснинг ЭРИси, қоғоз шакли декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.»;

г) 48-кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «5 ва у асосдаги 6-усуллар» деган сўзлар «5-усул» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 57-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57) «Имзо» графаси.

Маълумотларнинг тўғрилиги декларацияловчи шахснинг ЭРИси, қоғоз шакли декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.»;

е) 59-кичик бандда:

бешинчи хатбошидаги «1-усулни қўллаш учун белгиланган талабларга» деган сўзлар «тақдим этилган маълумотларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Б бўлимда «Қўшимча ҳисоблар: «А» бўлимига киритилмаган, миллий

валютадаги харажатлар» божхона органлари ихтиёрида мавжуд бўлган маълумотлари асосида божхона қийматини ҳисоблаш учун асосга қўшимча ҳисоблар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.»;

ж) 60-кичик банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60) «Имзо» графаси.

Маълумотларнинг тўғрилиги декларацияловчи шахснинг ЭРИси, қоғоз шакли декларацияловчи шахснинг имзоси билан тасдиқланади.».

10. 1 ва 2-иловалардан «, муҳр» деган сўз чиқарилиб ташлансин.

11. 3-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Божхона қиймати декларациясини
тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Божхона қиймати декларациясини тўлдириш
тартиби тўғрисидаги йўриқномага
3-ИЛОВА

Маълум қилинган товарнинг божхона қийматини тасдиқловчи ҳужжатларнинг РЎЙХАТИ

1. Божхона қиймати 1-усул бўйича аниқланганда декларацияловчи шахс томонидан қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) мажбурий тартибда:

Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими томонидан бириктирилган ташқи савдо контрактининг (шартнома, келишув) идентификация рақами;

ҳисобварақ-фактура (инвойс).

б) ташқи савдо контрактида (шартномасида, келишувида) белгиланган битим шартларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 304 ва 305-моддаларига асосан маълум қилинган нархга тузатишлар киритиш лозим бўлганда:

суғурта ҳужжатлари;

товарнинг ташиш ва (ёки) юклаш, тушириш, қайта юклаш, бошқа жойга тўкиш бўйича шартномаси (транспорт экспедиция шартномаси), товарни ташишга, юклаш, тушириш, қайта юклаш, бошқа жойга тўкишга ҳисобварақ-фактура (инвойс), банк ҳужжатлари (агар ҳисобварақ-фактура (инвойс) тўланган бўлса), транспорт тарифлари тўғрисидаги ҳужжатлар (маълумотлар) ёки ташиш қийматини акс эттирувчи бухгалтерлик ҳужжатлари (агар сотиб олувчи ўзининг транспортида товарни ташишни амалга оширган бўлса);

воситачилик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартнома (воситачилик шартномаси, брокерлик хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги шартно-

ма), воситачилик хизматларини кўрсатиш учун ҳисобварақ-фактура (инвойс), банк тўлов ҳужжатлари;

лицензион ва (ёки) муаллифлик келишуви, ҳисобварақ-фактура (инвойс), банк тўлов ҳужжатлари, олиб келинаётган (олиб келинган) товарга тааллуқли бўлган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланганлик учун тўловлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бухгалтерлик ва бошқа ҳужжатлар;

олиб кирилган товарни кейинчалик қайта сотиш, ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этишдан сотувчига бевосита ёки билвосита ўтадиган тушумнинг исталган қисми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат (шу жумладан, бухгалтерлик) ва маълумотлар;

контейнер ва (ёки) кўп марта ишлатиладиган бошқа идишларнинг, ўровжойлов материалларининг ва ўраш-жойлаш ишларининг, агар мазкур харажатлар сотиб олувчи томонидан амалга оширилган, бироқ олиб кириладиган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши лозим бўлган нархга қўшилмаган қиймати тўғрисидаги шартномалар, ҳисобварақлар, банк тўлов ҳужжатлари;

сотувчи томонидан сотиб олувчига муайян товар туркуми учун чегирма бериш асосини, уларнинг миқдорини кўрсатувчи маълумотлар.

в) божхона органлари қўллайдиган хавфни бошқариш тизими томонидан ўрта ёки юқори кўрсаткичга эга хавф даражаси аниқланган ҳолларда: жўнатувчи мамлакат божхона декларацияси*;

баҳоланаётган товар етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар билан контрактлар;

баҳоланаётган товар етказиб берилишига алоқадор бўлган учинчи шахслар учун тўлов ҳисоблари;

баҳоланаётган товар Ўзбекистон Республикасига реэкспорт қилинаётган ҳолларда, эркин муомалага чиқариш божхона режимига расмийлаштирилган божхона декларацияси.

2. Божхона қиймати 2 ёки 3 усул бўйича аниқланганда декларацияловчи шахс томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) мажбурий тартибда божхона органи томонидан қабул қилинган ва божхона қиймати 1-усул бўйича аниқланган ҳолда чиқарилган айнан бир хил ва ўхшаш товарларга тегишли бўлган божхона декларацияси;

б) қийматга тузатишлар киритиш амалга оширилиши лозим бўлган ҳолларда:

ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) ва унга қўшимча келишувлар;

ҳисобварақ-фактура (инвойс).

товарни Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган

* Агар жўнатувчи мамлакат божхона юк декларациясида товарнинг божхона қиймати кўрсатилмаган бўлса ёки ушбу мамлакатнинг қонун ҳужжатларида товарни олиб чиқишда божхона декларациясини расмийлаштириш назарда тутилмаган бўлса, у ҳолда божхона юк декларацияси ўрнига жўнатувчи мамлакатнинг божхона органлари томонидан тасдиқланган товарнинг қийматини акс эттирувчи бошқа ҳужжат тақдим этилиши мумкин.

жойга етказиб берилгунга қадар қилинадиган харажатларни тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотлар.

3. Божхона қиймати 4-усул бўйича аниқланганда декларацияловчи шахс томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида баҳоланаётган, айнан бир хил ва ўхшаш товарлар сотилганлиги тўғрисидаги шартномалар;

б) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида ўша классдаги ва турдаги товарларни сотишда қўйилган ҳисобварақ-фактура (инвойс);

в) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарни олиб кириш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни акс эттирувчи ҳисобварақ-фактура, банк ҳужжатлари (агар ҳисобварақ-фактуралар тўланган бўлса), бухгалтерлик ҳужжатлари (воситачи ҳақлари тўғрисида, тижорат харажатлари, ташиш харажатлари, суғурта, юклар ва тушириш ишлари, олинadиган даромад);

г) баҳоланаётган товарга ишлов бериш натижасида қўшилган қиймат тўғрисидаги ҳужжат ва маълумотлар, агар бундай товар унга кейинчалик ишлов берилгандан кейин сотилаётган бўлса: ишлов бериш бўйича пуллик хизмат кўрсатиш шартномаси, буюртмачига ижрочи томонидан қўйилган ҳисобварақ-фактура (инвойс), ушбу шартномани тўлаш бўйича банк ҳужжатлари, ишлов бериш қиймати тўғрисида бухгалтерлик ҳужжатлари (калькуляция);

д) Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига товарларни олиб кириш ва (ёки) сотиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасида божхона божи, солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловларни тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.

4. Божхона қиймати 5-усул бўйича аниқланганда декларацияловчи шахс томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) ишлаб чиқариш учун қилинган харажатлар ҳамда материалларни сотиб олиш ва (ёки) баҳоланаётган товарларни ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқарувчи (сотувчи) харажатлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бухгалтерлик ҳужжатлари, шунингдек, баҳоланаётган (олиб кириладиган) товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа операциялар, шу жумладан, идиш ва ўраш-жойлаш учун қилинган харажатлар, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан ташқарида бажарилган лойиҳалашнинг, тажриба-конструкторлик ишларининг, бадий безатишнинг, дизайннинг, эскизларнинг ёки чизмаларнинг қийматлари ишлаб чиқарувчи тўлаганлиги умумэтироф этилган бухгалтерлик ҳисоби тамойилларига мувофиқ тузилган баҳоланаётган товар ишлаб чиқарувчисининг тижорат ҳисобварақлари;

б) ишлаб чиқарувчи ва (ёки) экспортёрнинг баҳоланаётган товар ишлаб чиқарилган айти ўша мамлакатда ишлаб чиқарилган, айти ўша классдаги ва турдаги товарни Ўзбекистон Республикасида сотишда одатда экспорт қилувчи томонидан олинadиган фойда ва Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 312-моддаси «а» бандида акс эттирилмаган умумий харажатларнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган бухгалтерлик ҳужжатлари;

в) ташқи савдо контрактида (шартномасида, келишувида) белгиланган битим шартларига мувофиқ суғурта хужжатлари;

г) ташиш учун ҳисобварақ-фактура (инвойс) (ташиш харажатлари калькуляцияси), Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириладиган жойига етказиб берилгунга қадар қилинадиган харажатларни тасдиқловчи хужжатлар.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

190 Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 10 июндаги 2004-13-сон буйруғи (рўйхат рақами 1384, 2004 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 йил 28-сон, 325-модда) билан тасдиқланган Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди ўн биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

2. Ушбу буйруқ расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
2019-05-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**191 Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачи-
сининг фаолияти тўғрисида низомнинг 1-бандига
ўзгартириш киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-6*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашиш-ни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2002 йил 7 февралдаги 2002-01-сон буйруғи (рўйхат рақами 1108, 2002 йил 13 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 5-сон) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисида низомнинг 1-банди еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
2019-04-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

192 Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-4

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2004 йил 16 августдаги 101-сон буйруғи (рўйхат рақами 1401, 2004 й., 29 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 34-35-сон, 398-модда) билан тасдиқланган Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль,
21-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги
21-сон буйруғига
ИЛОВА

**Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1 ва 2-иловалардан «М.Ў. (мухр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 3-иловада:

«Бош бухгалтер (бухгалтер)» деган сўзлар «Бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс (бухгалтер)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ў. (мухр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**193 Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ
операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш
тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2086-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 17 февралдаги 12-сон буйруғи (рўйхат рақами 2086, 2010 йил 15 март, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 10-11-сон, 79-модда) билан тасдиқланган Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль,
22-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги
22-сон буйруғига
ИЛОВА

**Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ
операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 8-банднинг иккинчи хатбошисидан «, иккала томоннинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 21-банддан «ҳамда иккала томоннинг муҳрлари билан (муҳрлар мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

3. 23-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«23. Ҳисобварақ-фактуранинг шакли ва уни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2019 йил 7 январдаги 2019-05, 2-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3126, 2019 йил 21 январь) билан тасдиқланган.».

4. 1 — 5-иловалардан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**194 Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш
хақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1539-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бююраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2005 йил 14 декабрдаги 105-сон буйруғи (рўйхат рақами 1539, 2006 йил 14 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 февраль,
23-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги
23-сон буйруғига
ИЛОВА

**Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-сон иловадан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 2-сон иловада:

«Бош бухгалтер (бухгалтер)» деган сўзлар «Бухгалтерия ҳисоби ҳамда

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 2 мартдан 8 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 20 январдаги 63, 86-сон «Ички ишлар органларининг вақтинча сақлаш хибсхоналари ҳамда маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналарда сақланаётган шахсларга давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3141.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 26 февралдаги 19, 2019-12-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2449-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 26 февралдаги 20, 2019-10-сон «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 2 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2095-6.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 12 декабрдаги 150-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (6-сонли БҲС) «Ижара»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3142.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорининг 2019 йил 18 февралдаги 01/10-10/42-сон «Якка тартибда уй-жой куриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича

очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2314-5.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 26 январдаги 2/3-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2693-5.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 01-02/8-14-сон «Божхона қиймати декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2868-1.

8. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 6-2019/Б-сон «Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларида қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ички меҳнат тартибининг намунавий қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 746-2.

9. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 7-2019/Б-сон «Меҳнат органларига бўш иш жойлари (вакант лавозимлар) мавжудлиги тўғрисида ва мўлжалланаётган ходимлар ишдан озод этилиши тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 858-5.

10. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 февралдаги 2019-05-сон «Уюшган биржадан ташқари бозорда қимматли қоғозларнинг олди-сотди битимларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1384-8.

11. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 26 февралдаги 2019-04-сон «Қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачисининг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1108-6.

12. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 21-сон «Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1401-4.

13. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 22-сон «Қайта ишлашга берилган хом ашё билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2086-2.

14. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 27 февралдаги 23-сон «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 6 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1539-4.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан чакана савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2449, 2013 йил 4 апрель).

Адлия вазирининг 2019 йил 2 мартдаги 87-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2095, 2010 йил 13 апрель), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2095-1, 2011 йил 21 февраль), (рўйхат рақами 2095-2, 2014 йил 22 июль), (рўйхат рақами 2095-3, 2015 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 2095-4, 2016 йил 31 март), (рўйхат рақами 2095-5, 2017 йил 17 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 2 мартдаги 88-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг «Якка тартибда уй-жой куриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш

ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2314, 2012 йил 13 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2314-1, 2014 йил 3 июнь), (рўйхат рақами 2314-2, 2015 йил 17 март), (рўйхат рақами 2314-3, 2015 йил 9 июнь), (рўйхат рақами 2314-4, 2017 йил 21 июль).

Адлия вазирининг 2019 йил 4 мартдаги 90-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Техник ҳужжат деб топилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 25 февралдаги 20/ЮБ-2-сон «Автомобиль газ тўлдириш компрессор шохобчаларини (АГТКШ) техник эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 5 мартдаги 6-15/34-3770/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 09/ЮБ-18-сон «Тоғ зарбаларига мойил ва тоғ зарбалари хавфи бўлган руда ва норуда фойдали қазилмаларида, ер ости иншоотлари қурилишида ишларни бехатар олиб бориш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 6 мартдаги 6-15/34-6/3606-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

